

332
X-19
338 —
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси

W
O
+

Низомиддин Ҳайдаров

МОЛИЯ

(I қисм)

2032813

+ ТЕАІ КҮТЎХОНАСИ
№ 360 052



“Академия”
Тошкент
2001

Тақризчилар: Тохир Маликов, иқтисод фанлари
доктори, профессор
Хасанбой Жамолов, иқтисод фанлари
номзоди, доцент

Масъул муҳаррир: О.О.Олимжонов, иқтисод фанлари
доктори, профессор

Мазкур қўлланмада бозор иқтисодиётининг асосий элементларидан бири бўлган молиянинг назарий масалалари ўз аксини топган бўлиб, унда муаллиф ўзининг асосий лиққат-эътиборини молиянинг иқтисодий моҳияти ва функциялари, молиявий сисъатнинг стратегияси ва тактикаси, молиявий бошқарув ва бозор иқтисодиёти шароитида ундаги туб ўзгаришлар, молиявий назоратнинг асосий бўғини саналган аудиторлик назоратининг вужудга келиши, молиявий бозорнинг таркибий қисми ҳисобланган қимматли қозғаларга қаратган.

Ушбу қўлланма иқтисодий йўналишдаги Олий ўқув юртлари ва коллеж талабалари ҳамда молия назарияси билан шуғулланаётган барча мутахассисларга муъжалланган.

ББК 65.261 я 73

Кириш

Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтишнинг илк босқичи 1991 йилдан бошланди десак, хато қилмаймиз. Чунки айнан ўша даврлардаёқ, хўжалик субъектлари ва жисмоний шахсларнинг давлат билан молиявий муносабатлари янгитдан шакллана бошланди. 1992 йилнинг дастлабки ойларидан бошлаб Қўшилган қийматдан олинадиган солиқ, Акцизлар ва Юридик шахслардан даромад солиқларининг жорий этилиши янги солиқ тизимини кучга кирганлигидан далолат беради. Мазкур солиқлар режали иқтисодда мавжуд бўлган асосий фондлар, меҳнат ресурслари ва шу каби тўловлар ўрнини эгаллаш билан бирга, давлат бюджети даромадида ҳам салмоқли ўринни эгаллай бошлади.

Айрим олимлар ва мутахассислар башоратига қарама-қарши ҳолда бозор иқтисодиётига ўтиш анча қийин ва муаммоли амалга ошмоқда. Зотан, баҳоларни эркинлаштириш, давлат корхоналарини хусусийлаштириш орқали ишлаб чиқариш қуролларига турли хил мулк шакллари-нинг жорий қилиниши, бозор ва молия инфраструктуралари ташкил қилинган бўлса-да, бозор муносабатлари устидан тўлақонли ғалаба қилди, дейишга асос бўлганича йўқ. 1996 йилга қадар, қисман инфляция сакрашлари, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 90-йиллар даврига нисбатан пасайиш тенденциялари намоён бўлди ва давлат бюджетида сурункали камомад вужудга келди. Ушбу молиявий инкирозлар, ўз ўрнида, бозор иқтисодига ҳос ўсиш тенденцияларига салбий туртки бўлди, албатта. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, 1996-йилдан бошлаб, ялпи ички маҳсулот тақсимоти аҳоли жон бошига нисбатан ўсиш тенденцияси бошланиши билан бирга давлат бюджети камомади жаҳон андозасида қабул қилинган талабларга мос кела бошлади.

Республикада кенг аҳоли томонидан ташкил қилинаётган кооперативлар, масъулияти чекланган ташкилотлар, оилавий ва яқка тартибдаги корхона, қўшма корхоналар, ҳиссадорлик жамияти кўринишидаги корхо-

налар хўжалик юритувчи субъектларнинг миқдорини ошишига олиб келди. Кичик ва ўрта корхоналар салмоғи сезиларли равишда кенгайди. Тадбиркорларнинг ишчан фаолиятини оширишга халқаро алоқаларда иқтисодий эркинликларнинг жорий қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Бозор муносабатларининг ушбу ижобий ўзгаришлари тургунликдан ривожланишга қараб интилишига туртки бўлди, албатта. Бирок бундан-да юксак ривожланиш учун улкан молия ресурсларини ташкил қилиш ва уларни қайта тақсимлашни ҳозирги давр талаб этади. Молия ресурслари давлат ихтиёрида шаклланган бўлиб, уларни маҳаллий бюджетлар ва республика бюджети, нобюджет фондлар орқали бошқариб туриш билан бир қаторда, хўжалик юритувчи юридик шахслар ихтиёрида ҳам айланма маблағлар ва резерв ресурслар шаклида намоён бўлиши лозим. Ва ниҳоят, бозор иқтисодиёти шароитида жисмоний шахсларнинг пул жамғармалари янги хўжалик юритишда фаол иштирок этиши керак.

Режали иқтисод даврида молия назариясига бўлган эътибор иқтисодий қонунлардан келиб чиқмасдан, идеология ғояларига бурканган эди.

Мазкур қўлланмада асосий эътибор молия моҳиятининг замонавий назарий масалалари, уларни ривожлантиришнинг бош йўналишлари; молия тизимининг соҳалари, бўгинлари ва уларнинг кенгайтирилган ишлаб чиқаришдаги роли; молиявий сиёсат; молияни бошқариш; молиявий назорат, назоратнинг янги усуллари каби назарий масалалар ва улардан бозор иқтисоди даврида самарали фойдаланишга қаратилган.

Қўлланма айрим камчиликлардан ҳоли бўлмаслиги мумкин. Китобхонларнинг бу борадаги барча фикр-мулоҳазалари ва таклифлари муаллиф томонидан миннатдорчилик билан қабул қилинади.

Молиянинг иқтисодий моҳияти ва функциялари

Молиянинг иқтисодий моҳияти

Кўп ҳолларда, аҳоли ва айрим мутахассислар ўртасида молия категориясини пул категорияси билан бир хил маъно беради деб тушунилади. Агарда ана шундай бўлса, нима учун бир категорияга икки хил номдаги термин ишлатилади. Молия ўзи нима? Ушбу саволга ҳаққоний жавоб топиш учун унинг тарихий келиб чиқишига мурожаат қиламиз.

Молия термини илк бор умумиқтисодий категория¹ сифатида XIII-XV асрлардан бошлаб Италиянинг ривожланган савдо шаҳарларида ишлатилиб, дастлабки даврларда ҳар қандай пул тўловлари молия деб юритила бошлади. Сўнгра у халқаро масштабда қўллана бориб, давлат пул фондини ташкил қилиш борасида қатнашаётган аҳоли ва давлат ўртасидаги пул муносабатлари тизими билан боғлиқ тушунча, деб юритилди. Шундай қилиб, молия категорияси ўзида қуйидаги хусусиятларни акс эттиради:

- биринчидан, икки субъект ўртасидаги пул муносабатлари, яъни молиянинг вужудга келиши ва фаолият кўрсатишига материал асос бўлиб, фақат пул хизмат қилади (агарда иқтисодий муносабатларда пул иштирок этмас экан, молия ҳам пайдо бўлиши мумкин эмас);

- иккинчидан, молиявий муносабатлар жараёнида субъектлар турлича ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Масалан, улардан бири бўлган давлат маҳсус мақомга эга;

- учинчидан, молиявий муносабатлар жараёнида пул маблағларидан умумдавлат фондлари шаклланган. Шунга биноан айтиш мумкинки, ана шу муносабатларда молиянинг фондлилиқ хусусияти вужудга келади;

¹ А.Улмасов, М.Шарифхўжаев “Иқтисодиёт назарияси” Т. “Меҳнат” - 1995 йил II-бет. “Умумиқтисодий категориялар-иқтисодий гарактиқнинг ҳамма босқичларига хос бўлган, лекин социал-иқтисодий системага алоқаси бўлмаган умуминсоний муносабатларни ифодаловчи категориялар”.

- тўртинчидан, давлат бюджетининг даромад қисмига маблағларнинг узлуксиз келиб туришини таъминлаш учун мажбурий характерга эга бўлган солиқлар, йигимлар ва бошқа тўловларнинг ҳуқуқий нормаларини ишлаб чиқадиган ва жорий қиладиган давлатнинг ўзига хос фискал аппарати пайдо бўлади.

Уқорида зикр этилган хусусиятларнинг барчаси - молиянинг вужудга келишига таъсир этган асосий омиллар ҳисобланади. Бироқ, молия иқтисодий категория сифатида пул муносабатларини ўзида аке эттирса-да, барча пул муносабатлари ҳам молияга тааллуқли бўлавермайди. Масалан, ишчи корхонадан ўз иш фаолияти учун иш ҳақи олади, ушбу жараён ишчи ва иш берувчи ўртасидаги иқтисодий муносабат бўлиб, молиянинг пайдо бўлишига билвосита шароит яратади. Агар ана шу ишчи, олган иш ҳақидан давлат бюджетига солиқлар тўлаган тақдирда, молия бевосита иқтисодий категория сифатида иштирок этади. Яна бир мисол, ишчи ҳўжалик бозоридан истеъмол буюмларини харид қилса, ушбу муносабат зотан товар - пул муносабати бўлса-да, бироқ молиявий муносабат бўлмасдан фақат олди-сотдига хос бўлган иқтисодий муносабатни шакллантиради.

Энди, биз қуйидаги мураккаб мисол орқали молиянинг иқтисодий категория сифатида пайдо бўлиш жараёнига эътиборимизни қаратсак. Дейлик, корхона ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва замонавийлаштириш мақсадида бирор-бир тижорат банкдан кредит ресурслари олди: ушбу жараён корхона ва тижорат банки ўртасидаги пул муносабати бўлиб, молиявий муносабатни ўзида аке эттирмайпти. Демак, айна ана шу корхона мақсадига эришиш учун давлат бюджетидан молиявий ресурсларни субвенция, дотация шаклида олган тақдирдагина молиявий муносабатлар шаклланади ва натижада молия вужудга келади.

Хулоса қилиб айтганда, молия - бу ҳамиша пул муносабатлари бўлиб, ушбу муносабатда иштирок этадиган томонлардан бири, албатта, давлат, маҳаллий ҳокимият ёки унинг ваколатини олган бирор-бир орган бўлиши шарт.

Жамиятда амалга оширилаётган пул муносабатларининг аксарият қисми эквивалент хусусиятга эга, яъни пул

ресурсларининг бир томондан иккинчи томонга ҳаракати ҳамиша қарама-қарши товар ёки хизмат ҳаракатига тўғри келиб, томонлар ўзаро иқтисодий қониқиш ҳосил қилади. Молиявий муносабатда пулнинг ҳаракати ноэквивалент хусусиятга эга бўлади. Бундай пайтда пулнинг ҳаракатига товар ёки хизмат ҳаракати қарама-қарши юрмайди. Ушбу таомилга тўғри келмайдиган бирдан-бир молиявий муносабат шундан иборатки, у ҳам бўлса, қачонки давлат қарзли қимматбаҳо қоғозларни муомалага чиқариб сотган ҳолларда. Масалан, ҳозирги кунда Молия вазирлиги ҳукумат номидан муомалага қисқа муддатли газна мажбурийатларини чиқариб сотмоқда, мазкур жараёнда товарнинг ҳаракатига қарама-қарши бўлган пул ҳаракати эквиваленти вужудга келмоқда.

Режали иқтисодиёт давридаги махсус молияга тааллуқли фанларда молия ҳақидаги тушунчани қуйидагича ифодалаб беришга ҳаракат қилинган эди. Давлат томонидан текинга кўрсатилаётган маориф, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни мажбурий тўловлар орқали эквивалент бўлишини тан олмасдан, молия - давлатнинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлган пул муносабатлари натижасида шаклланади, деб кўрсатиларди.

Шуни алоҳида назарда тутиш керакки, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган (ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол) тўрт босқичдан бирида, молия иқтисодий категория сифатида бевосита тақсимлаш босқичида иштирок этади. Бу ерда молиянинг такрор ишлаб чиқариш жараёни босқичларига бевосита ва билвосита таъсири ҳақида гап борали. Одатда солиқлар ҳажми, уларнинг олиниш механизми, тўғридан-тўғри истеъмол билан ишлаб чиқаришнинг ўсиши бир-бирига бевосита боғлиқ бўлади. Агарда, давлат мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулотнинг улушини қанчалик кўп ўз ихтиёрига олса, кенгайтирилган ишлаб чиқариш ҳажми қисқариб бориб, бунга қарама-қарши ноишлаб чиқариш жараёнининг чегараси кенгайиб боради. Бундан ташқари, молия ишлаб чиқариш жараёнидаги ишлаб чиқариш ва айрибошлаш босқичида бевосита қатнашмасдан, балки айнан ишлаб чиқариш соҳасида яратилаётган

даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда иштирок этади.

Биз ишлаб чиқариш ҳақида фикр билдирганда ҳар қандай иқтисодий ва ижтимоий самара келтирадиган қонуний фаолиятни назарда тутаяпмиз. Чунки иқтисодий самара (фойда, даромад) молиянинг асосий тақсимлаш объектлари ҳисобланади. Кўпчилик ҳолатларда ишлаб чиқариш ва айирбошлаш босқичи молиянинг объекти бўлиб, пул ҳамда товарларнинг ҳаракати ҳисобланади (қачонки, эгри солиқлар иштирок этган ҳолларда).

Умумиқтисодий категория фаолияти ҳақида фикр юритганимизда, ана шу категориянинг абстракт хусусиятга эга эканлигини тушунишимиз зарур. Реал ҳаётда ҳар қандай категория - бу бизнинг билим даражамизнинг акс эттирувчиси дир. Биз бу нарсани тушунагимиз, тушунмайгимиз барибир ушбу иқтисодий категориялар жамиятда у ёки бу кўринишда мавжуд бўлади. Агар биз иқтисодий категорияларни идрок этмасак, таъсир ҳаракатини ҳисобга олмасак ва улардан оқилона фойдаланмасак, улар мамлакатга иқтисодий тургунлик, молиявий кризис ҳолатларини олиб келиши мумкин. Бунга ёрқин далил қилиб, собиқ иттифокнинг режали иқтисодиёти тафсилотларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Аниқлик киритиш мақсадида солиқлар ҳақидаги вазиятни кўриб чиқамиз. Улар қачон вужудга келган. Ибтидоий ёзувларга мурожаат қилмасдан англашимиз мумкинки, ҳукумат ўз армиясини сақлаш, кўргонлар қуриш, савдо йўлларини химоя қилиш, сигиниш жойларини ташкил этиш ва бошқа умумбашарий эҳтиёжларни маблағ билан таъминлаш мақсадида қарамоғидаги аҳоли даромадининг бир қисмини турли хил кўринишларда, асосан, солиқлар шаклида газнага олишга мажбур бўлган. Ривожланишнинг илк даврларида солиқлар натурал кўринишда бўлиб, аҳоли даромад объектининг 1/10 қисмини ташкил этган. Кўп ҳолларда, шахсий ташаббус кўрсатган аҳоли закот хусусиятига эга бўлган тўловларни ҳам амалга оширган.

Скин-аста жамиятда ишлаб чиқарувчиларнинг табақаланиши, хизмат кўрсатувчи субъектларнинг пайдо бўлиши ва турли хил мулкчилик шакллариининг вужудга

келиши ҳамда бошқа объектив сабаблар солиқларнинг натурал шакли ўрнига қиймат пул кўринишида жорий этила бошланди. Шундан сўнг солиқлар пуллик хусусиятини намоён қила бошлади. Солиқларнинг турлари ранг-баранг бўлиб, солиққа тортиш объектлари ўзгара бошлаб, табақалашган солиқ ставкалари жорий этила бошлади. Жамоат фикрини инобатга олиб, мамлакатда қабул қилинган қонунларга асосан солиқлар мажбурийлик хусусиятига эга бўла бошлади. Аммо ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, жисмоний ва юридик шахс кўринишидаги солиқ тўловчилар даромадидан солиққа тортиш салмоғи 30-35 фоиздан ошгандан кейин, солиқ тўлашдан қочиш ва солиқ объектларини яшириш аломатлари намоён бўлади. Натижада, азалдан солиқ тизимида мавжуд бўлган, яъни давлат ва солиқ тўловчилар ўртасида кўп асрлик тарихий келишмовчиликлар ўз аксини топа бошлайди. Бундай келишмовчиликларнинг поёнига етиш учун солиқ чегарасини пасайтириш керак, яъни максимал солиқ ставкаси даромад суммасида шундай бўлиши керакки, у ҳолат солиқ тўловчининг рағбатлантиришга ундаши ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга даъват этиши лозим. Акс ҳолда солиқ тўловчиларнинг норозилиги кўпаявериши табиий ҳол бўлиб қолаверади.

Тўғриси айтганда, солиқ ставкаси ва солиққа тортиш объектини белгилашга жуда кўп омиллар таъсир қилиб, унинг ўлчамини ҳисоб-китоб қилиш имконияти жуда оғирдир. Бирок, муайян бир давлатда ва аниқ бир вақтда ҳисоб-китоб қилиш имконияти бор. Солиқ ҳажмини ҳисоб-китоб қилишга муайян давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, техник, табиий, демографик ва бошқа хусусиятлари бевосита таъсир кўрсатса, атрофдаги мамлакатлар ва умумжаҳон ҳамжамиятидаги ҳодисалар ҳамда сиёсий тузумлар билвосита ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Товар-пул муносабатлари устувор аҳамият касб этаётган бир пайтда, давлат жамиятни бошқариш учун ўз олдида турган бурч ва вазифаларни бажариш мақсадида керак бўлган молиявий маблағни солиқлар ҳамда солиқ функциясини бажарувчи бошқа мажбурий тўловлар орқали шакллантириб боради. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти

шароитида ҳукумат солиқларни бекор қила олмайди. Нафақат бозор муносабатлари шароитида, балки собик иттифок давридаги режали иқтисодда ҳам солиқлардан бюджет даромадини шакллантиришда кенг фойдаланилган. Чунки ўша даврда давлат ишлаб чиқариш куролларининг мутлоқ эгаси бўлиб, тармоқлар иқтисодидаги корхоналар фойдасидан ажратмалар, тўловлар ва йиғимлар ҳисобига марказлашган пул фондини шакллантирар эди.

Иқтисодий категория бизнинг билим даражамизни, борликдаги реал жараёнларни амалга ошириш ҳақидаги кўрсаткичларни шунчаки аке эттирмайди. Иқтисодий қонун ва категорияларни билишни биз секин-аста англаймиз. Агарда иқтисодиёт ўзгармас ва қатъий схемада бўлганда эди, иқтисодий қонунлар ва категорияларни тубдан ўрганишга ҳожат қолмасди. Бирок ҳаёт жабҳалари тезда ўзгариб бормокда, ишлаб чиқариш кучлари эса ундан-да тез ўзгармокда, ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам бир жойда тургунлигича қолгани йўқ. Зеро, товар пул муносабатлари устувор аҳамиятга эга экан ва давлат жамиятни асосий бошқарувчиси сифатида намоён бўлар экан, қайсики, мана шу икки йўналишнинг устуворлиги, молиянинг умумиқтисодий категория сифатида ҳаракатда бўлишига асосий база яратиб беради. Бундай шароит ўзгариб қолган такдирда, янги авлод, шаклан ўзгарган иқтисодий категория ва қонунларни ўзлари танлаб оладилар.

Молия иқтисодий категория бўлгани учун - унинг ички моҳиятини очиб берувчи куйидаги таъриф берилади. Шундай қилиб, «Молия - бу умумиқтисодий категория бўлиб, жами ижтимоий маҳсулотнинг қийматини тақсимлайди ва қайта тақсимлайди, натижада, ҳукумат ихтиёрида марказлашган пул фондлар(даромад)и, ҳўжалик субъектлари ихтиёрида эса марказлашмаган пул фондларини шакллантиради ва улардан самарали фойдаланишга хизмат қилади».

Ушбу иқтисодий таърифдан келиб чиқиб, марказлашган даромад (фонд)лар ва марказлашмаган фондларнинг хусусиятлари, ўрни ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ролини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Марказлашган пул фондлари мамлакат миқёсидаги

умумбашарий аҳамиятга молик бўлган чора-тадбирларни молиялаштиришга мўлжалланган молиявий ресурслардир. Марказлашган пул фондлари алоҳида территория, тармок ёки хўжалик субъектлари манфаатини иктисодий қондириш учун сарфланмасдан, балки молиялаштириладиган объект умумжамият манфаатларига тўлиқ мос келганлиги учун амалга оширилади. Фикрни янада ойдинлаштириш учун юқорида зикр этилган жумлани муайян мисолларда келтириб ўтамиз. Масалан, “ЎзДЭУ” автомобиль ишлаб чиқариш корхонаси (Андижон), “Коровулбозор” нефтни қайта ишлаш бирлашмаси (Бухоро), “Самқучавто” юк ва йўловчи ташувчи автомобиль ишлаб чиқариш корхонаси (Самарқанд), шакар тайёрлаш корхонаси (Хоразм) ва кўплаб шунга ўхшаш корхоналар. Ушбу корхоналарни ташкил этиш ва ишга тушириш фақатгина шу кўрсатилган вилоятлар ёки тармок вазирлиги манфаатини ҳимоя қилиш учун эмас, балки умумдавлат эҳтиёжини инобатга олган ҳолда ташкил қилинган чора-тадбирлардир.

Марказлашган пул даромад (фонд)ларининг миқдори унчалик кўп бўлмаса-да, лекин улар орқали амалга оширилаётган тадбирлар салмоғи жамият учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда марказлашган пул фондларининг қуйидаги турлари мавжуд: Давлат бюджети, Пенсия фонди, Давлат бандлик фонди, Давлат йўл фонди ва бошқа умумдавлат аҳамиятидаги фондлардир. Марказлашган пул фондларининг яна бир ўзига хос томони шундаки, улар фақат ҳукумат ихтиёрида бўлади (мазкур фикрлар ҳақида кейинги қисмда батафсилроқ маълумот бериб ўтамиз).

Марказлашмаган пул фондлари - бу ишлаб чиқаришда, хизмат кўрсатишда ва иш бажаришда банд бўлган хўжалик субъектлари ихтиёрида бўлиб, фақатгина ана шу корхоналар тасарруфида ташкил қилинади ва ижтимоий-иктисодий, молиявий ҳамда хўжалик фаолиятини пул маблағлари билан таъминлашда ишлатилади.

Тармоқлар иктисодидаги хўжалик субъектларининг тузилиши, мулкчилик шакли ва фаолият тури ранг-баранг бўлганлиги сабабли, марказлашмаган пул фондларининг ҳам турлари хилма-хилдир. Аммо барча тармоқларга хос бўлган

умумий марказлашмаган фондлар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: Иш ҳақи фонди, Моддий рағбатлантириш фонди, Фан-техникани ривожлантириш фонди, Амортизация фонди, Резерв фонди ва бошқалар. Айрим муассасалар ҳам мавжудки, уларнинг хизмат кўрсатиш фаолияти ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналарникига қараганда фарқланади. Ва уларда ўзига хос марказлашмаган фондлар ташкил қилинади. Масалан, Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, юқорида кўрсатиб ўтилган фондлардан ташқари талабалар учун муължалланган “Стипендия” фонди ташкил қилинади.

Молияни бошқа иқтисодий категориялардан ажратиб турувчи бир нечта алоҳида белгилари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат.

- молия - бу пул муносабатлари;
- молия - бу фондларни ташкил этувчилик белгиси;
- молия - бу давлатнинг бошқарув органи сифатида

борлиги;

- молия - бу жами ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш муносабатлари;

- молия - бу ҳамيشа ноэквивалентлик хусусияти.

Ушбу аниқловчи белгилар молиянинг моҳияти ва мазмунини очиб берувчи хусусиятлари бўлиб, жами ижтимоий маҳсулотнинг қийматини тақсимлашда ва қайта тақсимлашда у ёки бу кўринишда намоён бўлади.

Молия функциялари

Молиянинг туб моҳияти у амалга ошираётган функциялар орқали намоён бўлади. Олимлар ўртасида ҳанузгача молия функцияларининг миқдори ва тузилиши ҳақида чексиз тортишувлар мавжуд бўлиб, назариячилар бирор бир яқдил қарорга кела олганлари йўқ. Масалан, молия назарияси соҳасидаги маълум ва машҳур олимлардан бири, профессор А.М. Бирман молиянинг қуйидаги уч функциясини ажратиб кўрсатади:

1. Хўжалик фаолиятини пул маблағлари билан таъминлаш функцияси
2. Пул бирлиги билан назорат қилиш функцияси

3. Тақсимлаш функцияси

Профессор Э.А.Вознесенский ва профессор А.М.Александровларнинг таъкидлашича молия қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Пул даромадлари ва фондларини шакллантиради
2. Пул даромадлари ва фондларидан фойдаланади
3. Назорат

Профессор И.Т.Балабановнинг фикрига биноан, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида молия ўзининг тақсимлаш функциясида намоён бўла олмайди.

Аммо молия - бу жамиятнинг асосий бошқарувчиси бўлган давлат томонидан ташкил қилинган пул муносабатлари йиғиндиси бўлиб, пул фондларининг шаклланиши ва фойдаланиши жараёнида хизмат қилишини ҳеч ким рад эта олмайди.

“Турли тоифадаги ва қўп сонли пул фондларининг молиявий манбаи нима ҳисобланади?” - деган саволга шартсиз битта жавоб бўлади, у ҳам бўлса ялпи ички маҳсулотдир.

“Ялпи ички маҳсулот - мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини умумлаштирувчи кўрсаткич бўлиб, у ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш соҳаларидаги корхона, ташкилот ҳамда муассасалар фаолиятининг пировард иқтисодий натижаларини ўз ичига олади”. Ялпи ички маҳсулотнинг тақсимлаш жараёни давлат томонидан белгиланган молиявий дастаклар: норма, ставка, тариф, ажратмалар, йиғим, солиқ, тўловлар ёрдамида амалга оширилади. Тулиқ тушунча ҳосил қилиш учун оддий бир мисолни келтирамиз. Корхона маълум бир хилдаги маҳсулотни реализация қилди ва натижада, корхонанинг ҳисоб-китоб рақамига тушум (выручка) келиб тушди. Ушбу сумманинг бир қисми ишлаб чиқариш жараёнини тўхтовсиз амалга ошириш мақсадида, истеъмол қилинган хом ашё ва айланма маблағларни қоплашга йўналтирилади. Асосий фондларнинг эскириши учун давлат томонидан белгиланган нормаларда амортизация ажратмалари ҳам махсус ҳисоб-китоб рақамига ўтказилади. Сўнгра, тайёр маҳсулотни вужудга келтиришда бевосита ва билвосита иштирок этган ишчи, хизматчиларнинг иш

хақи фондига нисбатан белгиланган ажратмалар Нобюджет фондлар (Пенсия фонди, Давлат бандлик фонди, Ижтимоий сугурта)га ажратилади, қолган суммадан корхона ўрнатилган мажбурий тўловлар (солиқлар, йиғимлар)ни давлатга ўтказилади. Ва ниҳоят, корхона ихтиёрида соф фойда қолади. Корхона ихтиёридаги соф фойданинг шаклланиши - тақсимлашнинг бирламчи босқичи ўз поёнига етганидан далолат беради. Аммо иш хақи фонди ва соф фойда сўнгги қайта тақсимлаш босқичига мойилдир. Иш хақи фонди ишчи ва хизматчилар хатти - ҳаракатига ҳамда қилган меҳнатига қараб меҳнаткашлар ўртасида, давлат томонидан белгиланган нормаларга асосан эса, давлат бюджетига ва пенсия фондига қайта тақсимланади. Корхоналар молиявий кўрсаткичининг асоси бўлган соф фойда ҳам ҳўжалик субъектлари ўртасида, уларнинг юқори ташкилотлари (агарда мавжуд бўлса) ва маҳаллий бюджетлар ўртасида қайта тақсимланади.

Молия тақсимлаш функцияси орқали, корхона ихтиёрида бир қанча даромадлар ва фондларни вужудга келтирилади. Масалан, фойда қуйидаги номарказлашган пул фондларининг молиявий манбаси ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш фонди;
- резерв фонди;
- рағбатлантириш фонди;
- фан-техникани ривожлантириш фонди ва бошқалар (Корхонанинг мулк шаклидан ва фаолият кўрсатишидан келиб чиқиб яна турли хил номарказлашган фондлар тузиш мумкин).

Мазкур кўринишдаги тақсимлаш муносабатларида давлатнинг аралашуви пасайганлиги сезилади, аммо бутунлай мавқеи йўқ дейишга асосимиз йўқ. Юқорида таъкидланганидек, корхоналарнинг иқтисодий самараси, яъни сўнгги молиявий натижаси бўлган - фойда мустақил равишда тақсимланади (албатта, маълум бир норма ва нормативлар асосида), бироқ резерв фондларини шакллантиришда корхона Устав капиталнинг ҳажмидан келиб чиқиб, ушбу фондга ўтказилаётган фойданинг минимал ва максимал чегараларини давлат қонун ёки махсус йўриқномалар орқали белгилаб туради. Бугунги кунда тижорат

асосида фаолият кўрсатаётган Қўшма корхоналарга Устав капитал қийматининг 25% миқдорига тенг миқдорда резерв фондлари шакллантириш белгилаб қўйилган. Резерв фондининг шаклланиш манбаи - қўшма корхона фойдаси ҳисобланади. Ушбу фонд шаклланишига йўналтирилаётган фойда (даромад) солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди.

Молиянинг ички моҳиятини тўлиқ очиб берувчи функциялари ҳақидаги олимлар ва стук амалиётчилар фикрларидан таҳлилий хулоса чиқариб, молия асосан иккита функцияни бажаради, дейишга асос бор ва улар:

1. Таксимлаш ва қайта таксимлаш функцияси

2. Назорат функцияси

Молиянинг таксимлаш функцияси объектлари - мамлакатда яратилаётган миллий даромад, тушум, даромад ва фойда ҳисобланади. Таксимлаш объектларини иккига бўлиш мумкин: биринчиси макроиктисодий кўрсаткич, яъни миллий даромад, иккинчиси микроиктисодий кўрсаткичлар, яъни тушум, даромад ва фойда. Таксимлашнинг асосий ўрни миллий даромадни таксимлашда кўпроқ намоён бўлади. Шунинг учун миллий даромаднинг ўзи нима эканлиги ҳақида фикр билдириб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. “Миллий даромад - бу моддий ишлаб чиқариш тармоқларида ва тижорат асосида фаолият кўрсатаётган номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида бир календарь йилида янгидан яратилган қиймат ёки ялпи ижтимоий маҳсулотнинг ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати (амортизация ажратмалари) чегириб ташлангандан сўнг қолган қисми”. Миллий даромад таркибий тузилишига кўра, истеъмол ва жамғарма фондларига бўлинади. Таксимлаш функциясини амалга оширувчи субъектлар эса давлатнинг ўзи, алоҳида юридик шахслар ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Давлат, молия иқтисодий категорияси ёрдамида миллий даромадни ҳудудлараро ва тармоқлараро қайта таксимлаш имконияти ва ҳуқуқига эга.

Ҳудудлараро қайта таксимлашнинг зарурати шундан иборатки, мозийдаги молиявий сиёсат таъсири остида айрим ҳудудларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари яхши ривожланмаган. Республикамиздаги

Жиззах, Сирдарё, Хоразм, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасидаги тижорат асосида фаолият кўрсатаётган корхона ва муассасалар миқдори Республикамиздаги бошқа вилоятларга нисбатан камроқ. Демак, мазкур вилоятларда шаклланаётган даромад, улар амалга ошириши лозим бўлган харажатларга тўлалигича мос келмайди. Бу ҳолатнинг шундайлигича қолдириб бўлмайди, агарда ана шу ҳолатда қолдирилаётган бўлса, у бир қанча ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар ва тенгсизликларни олиб келиши табиийдир. Давлат ўз ҳудудида ягона молиявий сиёсатни юргизишни таъминлаш мақсадида, юқори рентабеллик ҳудудларда шаклланаётган молиявий ресурсларни иқтисодий инструмент (солик, бож тўловлари орқали олиб, субвенция, дотация шаклида йўналтиради)лар орқали йиғиб олиб, кам рентабеллик ҳудудларда қайта тақсимлайди.


Молиявий ресурсларни тармоқлараро қайта тақсимлаш механизми ҳам айнан ҳудудлараро қайта тақсимлаш принциpidан келиб чиққан ҳолда ташкил қилинади. Халқ хўжалигида айрим тармоқлар мавжудки, уларнинг даромадлари ўз харажатларини қоплай олмаса-да, бироқ улар ишлаб чиқараётган товар, маҳсулот, бажараётган ишлар ва кўрсатаётган хизматлар умумжамият аҳамиятига моликдир. Ҳозирги кунда бундай тармоқлар таркибига қишлоқ хўжалиги, электроэнергия, тоғ-қон саноати, кўмир қазиб олиш, йўловчи транспорти ва бошқаларни киритиш мумкин. Ушбу тармоқлардан биргина қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, профессор М. Усмонов таъкидлаганидек, «Мамлакат аҳолисининг 60% дан ортиги қишлоқларда истиқомат қилади ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг ярмига яқини мана шу аграр секторда меҳнат қилади. Республикамиз ишлаб чиқариши ва интеллектуал салоҳиятининг ярмидан ортиги муайян тарзда бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти мамлакатдаги қаттиқ валюта тушумининг 55% дан ортигини таъминлайди». Бундан ҳулоса чиқариш мумкинки, қишлоқ хўжалиги тармоғи мамлакат молиявий ресурсларини қўпайтиришга билвосита хизмат қилиши билан бир қаторда, бевосита молия ресурсларига қисман муҳтож бўлиб қолади.

Бу ҳолатни ижобий ҳал қилиш учун давлат молия ёрдамида юқори рентабеллик тармоқ (савдо, саноат, алоқа, юк ташиш)лардан молиявий ресурсларни бир қисмини олиб, кам рентабеллик тармоқларга қайта тақсимлаб туради.

Молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни қандай амалга оширилаётгани хақида молиянинг назорат функцияси хабар бериб туради. Назорат функциянинг объекти эса фонд ва даромад шаклларидаги молиявий ресурсларнинг икки томонлама ҳаракати ҳисобланади. Жамият ва унинг аъзолари молиянинг назорат функцияси хабарига таяниб, молиявий ресурсларнинг тақсимланиш пропорцияси, молиявий ресурслар ўз вақтида ва тўлиқлигича турли хил мулк шаклидаги хўжалик субъектлари ихтиёрига қандай тушади ҳамда энг асосийси, ушбу ресурслардан қай ҳолатда тежамли ва самарали фойдаланилаётгани хақида реал маълумотларга эга бўлади.

Молиянинг назорат функциясининг ўзи алоҳида фаолият кўрсатмайди, балки тақсимлаш функцияси билан уйғунлашган ҳолда амал қилади. Икки функциянинг бир вақтда юзага келиши молиянинг иқтисодий моҳиятини том маънода юзага келишини кўрсатиб беради. Тақсимлаш ва назорат функцияларида молиявий муносабатларнинг бир-биридан ажратиб бўлмас томонлари акс этади. Реал ҳаётда молиявий муносабат фақатгина тақсимлаш хусусиятига эга бўлиб, назорат хусусиятига тааллуқли эмаслиги, ва бир вақтнинг ўзида ҳеч қандай молиявий муносабат йўқдирки, у фақат назорат характериға хос бўлиб, тақсимлаш хусусиятиға молик бўлмаслиги ҳеч қачон учрамайди. Бир сўз билан айтганда, тақсимлаш ва назорат функциялари бир иқтисодий жараённинг икки томонидир. Фақатгина уларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги таъминлангандагина, молия ўзининг қийматини тақсимлаш категорияси сифатида намоён қилиши мумкин.

Молиянинг назорат функциясини иқтисодиётга татбиқ этиш инструментлари сифатида молиявий маълумот (информация)лар хизмат қилади. Молиявий информациялар бухгалтерия, статистик ва оператив ҳисоботлардан таркиб топади. Молиявий маълумотлар корхона фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилишга ва хўжалиқ фаолиятининг сало-



хиятини иқтисодий баҳолашга имконият яратади ва пировардида, юзага келган салбий кўрсаткичларни баргараф этишга имконият вужудга келади.

Молиявий назоратни амалга оширувчи субъектлар, назорат этилиши лозим бўлган объектларнинг мақомига, мулк шакли ва фаолиятдан келиб чиқиб турлича бўлади, ammo уларнинг мақсади фақат битта, у ҳам бўлса, молиявий ресурслардан иқтисодий самарали, ўз вақтида ва тўлиқлигича, мақсадли фойдалашни таъминлашдир. Молиявий назоратнинг шакллари қуйидагилардан иборат:

- умумдавлат молиявий назорат
- хўжалик ичидаги молиявий назорат
- жамоа молия назорати.

Умумдавлат молия назоратини - давлат бошқарув органлари амалга оширади. Улар хўжалик субъектларини Вазирликка бўйсунитидан қатъиназар, барча молиявий объектларни назорат қилишга ҳақлидирлар. Давлат бюджети маблағларини мақсадли ва тўлиқлигича сарф қилинаётганлигини назорат қилиш ваколати Молия вазирлиги ҳузурдаги назорат-тафтиш департаменти ва унинг вилоятлардаги бўлимларига берилган.

Хўжалик ичидаги молия назоратини - корхона, муассаса, ташкилот ва ассоциацияларнинг молия бўлимлари амалга оширади. Айрим корхоналарнинг ҳажми ёки уларда ишлаётган хизматчилар миқдорининг камлиги сабабли алоҳида молия бўлими бўлмаслиги ҳам мумкин, бундай шароитларда назоратни амалга оширишни шу корхоналардаги бош ҳисобчи ўз зиммасига олади. Корхонадаги назорат органларининг асосий вазифалари - хўжалик субъектларининг молия хўжалик фаолиятини текшириш ва керакли таклифлар бериш, жойлардаги филиал ва бўлимларнинг ҳам фаолиятини назорат қилиб туришдир.

Жамоа молия назоратини - ихтиёрий равишда, алоҳида жисмоний шахслар олиб боради. Айрим ҳолларда корхона умумий йиғилиши қарорига асосан ҳам алоҳида комиссия тузилиб, молиявий хўжалик фаолиятини назорат қилиб туриш мумкин. Мустақил молиявий назоратни аудиторлик фирмалари ва уларнинг хизматчилари амалга оширади.

Жамоа - молия назоратининг объекти бўлиб, барча хўжалик субъектларининг молиявий фаолияти ҳисобланади.

Юқорида зикр этилган назорат органларининг барчасининг мақсадлари уйғунлашган тақдирдагина давлатнинг молия сиёсати ижобий натижалар билан яқунланиб, қўйилган стратегияга тез ва қисқа даврда, ортиқча молиявий чиқимларсиз эришиши мумкин.

Молия сиёсати

Молия сиёсатининг мазмуни ва моҳияти

Молиявий сиёсат давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, уни фалсафий категорияга қиёслайдиган бўлсак, у усқуртмага тааллуқлидир.

Хар қандай жамиятда ҳам давлат бирор-бир мақсадга эришиш, олдига қўйилган вазифалар ва мажбуриятларни бажариш учун молиядан кенг фойдаланади. Молиявий сиёсат қўйилган мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш учун, бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ташкил этишда асосий роль ўйнайди. Молиявий сиёсатни ишлаб чиқариш жараёни ва ҳаётга татбиқ этишда, у жамият олдида турган вазифаларни бажариш шартларини таъминлаб, иқтисодий манфаатларга таъсир кўрсатадиган асосий қурол сифатида ҳам намоён бўлади.

Молия сиёсатини иқтисодиётга татбиқ этишда бир нечта умумий ва алоҳида тамойилларга эътибор бериш муҳим ўрин тутади.

Молия сиёсатининг умумий тамойиллари кўп, аммо асосийлари этиб қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- объектив иқтисодий қонунларнинг мавжудлиги ва уларнинг доимо ҳаракатда бўлиши;
- муайян тарихий шароитларни ҳисобга олиш тадбирлари;
- молия соҳасидаги маҳаллий ва хориж тажрибаларини уйғунликда олиб боришни таъминлаш.

Молия сиёсатининг алоҳида (маҳсус) тамойилларига қуйида келтириб ўтилган асосий тамойилларни киритиш мумкин:

- жамиятда молия тизимининг рационал гузилишини таъминлаш;
- молия механизмининг қурилишини мақсадга мувофиқ таъминлаш;
- молия тизимининг барча бўғинларида даромад ва харажатларни мувозанатлаштириш;

- бюджетдаги даромадларнинг харажатлардан юкори-лигини таъминлаш мақсадида молиявий резервларни ташкил қилиш;

- асосий молия ресурсларини муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтириш мақсадида концентрациялаш;

- салмоқли молия ресурсларини давлат ихтиёрида шакллантириш;

- пул-кредит сиёсати билан молия сиёсатини мувофиқлаштириш, яъни бири иккинчисига зиддиятли бўлмасдан, бир-бирига муҳим шарт-шароит яратиши зарур.

Амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар хусусияти ва муддатини эътиборга олиб, молия сиёсати: молиявий сиёсат стратегияси ва молиявий сиёсат тактикасига бўлинади.

Молиявий сиёсат стратегияси - молиявий сиёсатнинг узок муддатли йўналиши бўлиб, иқтисодий ва социал стратегия белгилаб берган улкан масштабни вазифаларни келажакда бажаришни таъминлашни кўзда тутган молиявий тадбирлар йиғиндисиدير. Молиявий стратегияни ишлаб чиқиш жараёнида молиявий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинади, уларнинг фойдаланиш концепциялари шакллантирилади ва молиявий муносабатлар тамойилларини ташкил қилиш белгилаб берилади.

Молиявий сиёсат тактикаси - қисқа муддатли ва кичик масштабни молиявий чора-тадбирларни ҳал қилишга қаратилган йўналишлар мужмуасидир. Молиявий тактикада молиявий стратегияга эришиш мақсадидаги босқичлар кўзда тутилади. У молиявий стратегияга нисбатан эгилувчанлиги, молиявий ресурсларни қайта гуруҳлаш каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Хулоса қилиб айтганда, молиявий сиёсат тактикаси - молия стратегияси қўйган мақсадга тежамкорлик ва самарали йўллардан фойдаланиш орқали ларзасиз иқтисодий натижаларга эришишдир.

Молиявий сиёсатнинг стратегияси ва тактикаси ўзаро узвий боғлиқликдадир. Стратегия тактик вазифаларни яхши, қулайликда бажарилиши учун муҳим имконият

ярагиб беради. Давлат сиёсатидан маълумки, республикадаги пул-кредит сиёсати молиявий сиёсатнинг таркибий қисми бўлиб, иккаласи биргаликда макромолиявий сиёсатни ташкил қилади. Шунга таянган ҳолда, молия стратегия ва тактикасига бир муайян мисолни келтирамиз. 1994 молия йилининг июль ойидан бошлаб, мустақиллигимизни асосий рамзларидан бири бўлган миллий валюта том маънода муомаллага киритилди. Миллий валютанинг тулақонли валюта функцияларини бажариши учун муайян молиявий стратегия ва тактика қабул қилинган. Миллий валютанинг ички ва ташқи конвертациясининг тулиқлигича таъминланиши молиявий сиёсатнинг стратегияси ҳисобланади. Ана шу мақсадга эришишда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбир босқичлари молиявий сиёсатнинг тактикаси бўлади.

Молиявий сиёсат инсон фаолиятининг ўзига хос маҳсуе бўлаги сифатида усткурма категориясига хосдир. Жамиятдаги иқтисодий базис ва молиявий сиёсат ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Бир томондан, молиявий сиёсат иқтисодий муносабатлар таъсирида вужудга келса, иккинчи томондан иқтисодий базис асосида пайдо бўлиши ва ривожланиши билан бир қаторда, молиявий сиёсат маълум мустақилликка ҳам эга бўлади, яъни унда ўзига хос қонун ва мантикий ривожланиш бор.

Иқтисодий ривожланиш ва социал прогрессга молиявий сиёсатнинг таъсирини тулақонли таъминлаш учун илмий асосланган молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш лозим. Олдинги ҳужалик юритиш тажрибаларидан маълумки, молиявий сиёсатнинг жамиятдан номутаносиб ажраб қолиши мудҳиш иқтисодий тангликни вужудга келтиради ва ривожланишни сусайтиради. Масалан, режали иқтисоддаги ҳужалик юритиш тажрибасида, ҳужалик субъектларига нисбатан иқтисодий, молиявий мустақиллик қўлланилмас эди. Корхоналар бюджетга тегишли бўлган мажбурий туловларни бажарган бўлса ҳам, молия йили охирида унинг ихтиёрида қолган молиявий ресурслар мажбуран давлат бюджетига олиб қўйилар эди.

Бунга қўшимча, юқори ташкилот ҳам ўзига хос туловларни амалга оширишни талаб қилиб, корхонанинг

ташаббускорлик имкониятига тўсик бўлар эди. Пировардида, хўжалик субъектлари молиявий ресурслардан самарасиз фойдаланишга ҳаракат қилиб, жамғариш ва инвестицион жараёни амалга оширолмасди. Жамоалаштиришда (қўп ҳолларда мажбурий) қиймат қонунининг борлиги тан олинмасдан келинди (қиймат қонунининг бузилиши ўтган бир неча ўн йилликларда аграр соҳанинг жамгармасини баҳо, солиқ ва сугурта тўловлари шаклида мажбуран олиб келинди). Натижада, деҳқоннинг ерга, мулкка бўлган муносабати сўнди ва иқтисодий ташаббускорлиги сусайди.

Молиявий сиёсатдан қўзланган асосий мақсадлар рангбаранг бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш

2. Молиявий ресурсларнинг ҳажмини ошириш

3. Жамият ривожланишини молиявий ресурслар билан таъминлаш мақсадида, молиявий ресурсларни ижтимоий ларзаларсиз жалб қилиш

4. Мамлакатдаги барча мулк шаклида бўлган тадбиркорлар фаоллигини ошириш мақсадида қулай шароит яратиш

5. Солиқ тўловчи субъектлар даромадидан бюджет даромадини шакллантиришда, мақсадга мувофиқ ставкаларни жорий этиш ва бошқалар.

Молиявий сиёсатнинг асосий йўналиши - молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, молиявий тизим соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш ва бош йўналишга эга бўлган ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришни барқарорлаштириш мақсадида, давлат ихтиёридаги молия ресурсларини марказлаштиришдан иборатдир.

Илмий асосларга таянган ва иқтисодий қонунлар талаби асосида туғри ташкил қилинган молиявий сиёсат ижобий натижалар беради. Унинг аҳамияти шундаки, жамият ва унинг замирида юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг фаровонлиги, турмуш даражаси яхшиланади. Молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш жараёнида, молиявий ресурслардан аҳолининг моддий ва маънавий даражасини ошириш, социал-маданий тадбирларга маблағларни кенгайтириш, халқ истеъмоли мол-

ларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва уларни мамлакат худудида мақсадга мувофиқ жойлаштиришда, молиявий сиёсатнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Молиявий сиёсат мақсадли дастурларни жойларда бажарилиши учун қулай шарт-шароит яратиб беради. Масалан, меҳнат ресурсларидан жойларда самарали фойдаланиш учун ЎзДЭУ автокорхонасининг Фаргона водийсида қурилиши, шакар заводининг Хоразм воҳасида қурилиши, тўқимачилик корхоналарининг Қашқардарё ва Тошкент вилоятларида қурилишини ташкил қилишда молиявий сиёсатнинг ўрни бекиёсдир.

Яхши ташкил қилинган молиявий сиёсат ҳар бир минтақанинг моддий манфаатдорлигини оширишда, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилиш ва маҳаллий хом ашё ресурсларидан кам чиқимсиз ва юқори самарали фойдаланишни тўғри йўлга қўяди.

Молиявий сиёсатни татбиқ этишда молиявий механизмнинг ўрни

Молиявий механизм - бу молиявий муносабатларни ташкил қилиш усуллари йиғиндиси бўлиб, у иқтисодий, ижтимоий ривожланишда қулай шарт-шароитлар таъминлаш учун жамият томонидан қўлланилади. Молиявий механизм молиявий муносабатларнинг турлари, шакллари ва усуллари ўзида акс эттиради.

Молиявий механизм тузилиши анча мураккаб тизим бўлиб, унинг таркибига ранг-баранг молиявий муносабатларга хос турли хил элементлар қиради. Айнан, ўзаро молиявий боғлиқликнинг қўплиги, қўллаб молиявий элемент (турлари, шакллари, усуллар ва уларни ташкил қилиш)ларни қўллашни белгилаб беради. Давлат ижрочи ва қонун чиқарувчи бошқарув органи сифатида иқтисодий қонунларнинг таъсирини мукамал ўрганишда, молиявий ривожланишнинг кетма-кетлигини аниқлайди, иқтисодий ва молиявий сиёсат орқали маҳсулот қиймати ва миллий

даромадни тақсимлаш усуллари белгилайди ҳамда жамғармаларнинг шакллари ва тўлов турларини белгилаб туради, давлат молия ресурсларидан самарали фойдаланишнинг йўллари ташкил этади.

Молиявий муносабатлар шартли равишда учта йирик соҳага бўлинади:

- 1) хўжалик субъектлари молияси
- 2) сугурта муассасалари молияси
- 3) давлат молияси.

Ушбу соҳаларнинг ҳар бири ўз ўрнида бир нечта бўгин (звено)ларга бўлинади. Жумладан, хўжалик субъектлари молияси қуйидаги бўгинлардан ташкил топади:

- тижорат асосида фаолият кўрсатаётган корхоналар молияси

- нотижорат асосида фаолият кўрсатаётган муассаса ва ташкилотлар молияси

- жамоа бирлашмалари молияси.

Сугурта муассасалари соҳасида қуйидаги бўгинлар иштирок этади:

- ижтимоий сугурта

- мулкӣ сугурта

- шахсий сугурта

- сугурта жавобгарлиги

- тадбиркорлик рискларини сугурталаш.

Давлат молияси соҳасидаги бўгинлар:

- давлат бюджети

- пенсия фонди

- давлат бандлик фонди

- давлат кредити.

Молиявий муносабатларнинг соҳа ва бўгинларининг барчаси бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, яхлит молия тизимини ташкил этади ва уни 1-схемадаги кўриниш акс эттиради.



Молия тизимининг ҳар бир бўғини ўз ўрнида ички тузилмавий таркибидан келиб чиқиб, бўғин остилари - (подзвено)га бўлинади. Масалан, тижорат асосида фаолият кўрсатаётган корхоналар тармоқ йўналиши бўйича - саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, транспорт молиясига бўлинса, мулк шаклидан келиб чиқиб - давлат корхоналари, кооператив, ҳиссадорлик, хусусий ва қўшма корхоналар молиясига бўлинади.

Сугурта муассасалари молияси соҳасидаги бўғинлар сугурта тармоқларини белгилаб бериб, у сугурта турларига қараб бўлинади. Масалан, шахсий сугурта тармоғида: аралаш сугурта, никоҳни сугурталаш, фарзандларни сугурталаш, бахтсиз ҳодисалардан сугурталаш ва ҳ.к.

Давлат молиясидаги бўгинларни гуруҳлаш бевосита давлатнинг бошқарув тизимидан келиб чиқади. Масалан, маҳаллий бошқарув, республика бошқаруви ёки маҳаллий бюджетлар, давлат бюджети ва шу қабилар.

Молиявий муносабатларнинг молиявий соҳа ва бўгинларга бўлиниши, ўз ўрнида ҳар бир соҳа, бўгин ва бўгин остиларининг ўзига хос молиявий механизмда жипслашишини тақозо этади. Булар:

- хўжалик субъектларининг молия механизми
- суғурта ташкилотларининг молия механизми
- давлат молиясининг молия механизми.

Ўз навбатида, ҳар бир соҳа алоҳида тузулмавий бўгинни ўзида гавдалантиради. Масалан, давлат молиясининг механизми бюджет ва нобюджет фондлар механизмига бўлинади. Худудий бўлинишдан келиб чиққан ҳолда, республика молия механизми - вилоят молия механизми ва туман молия механизмидан таркиб топади.

Молиявий механизмнинг ҳар бир соҳа ва бўгинлари бир бутун яқлиқликнинг таркибий қисми ҳисобланади. Улар бир-бири билан узвий боғлиқликда бир-бирини тўлдириб туради. Шунга қарамадан, ҳар бир соҳа ва бўгин нисбатан мустақил фаолият юргизади.

Молиявий механизмнинг соҳа ва бўгинларида алоҳида элементларнинг мураккаблиги ажралиб туради. Масалан, бюджет механизми турли хил кўринишдаги солиқлар, маблағлардан ранг-баранг йўналишларда фойдаланишнинг мавжудлиги ва молиялаштириш усуллари билан характерланиб турса, корхона ва ташкилотларда пул жамғармаларининг шакллари, фойданинг тақсимланиши, фондларнинг шаклланиши ва фойдаланиши ўртасидаги муносабатлар аниқланади. Суғурта ташкилотларида резерв фондлар тизими кенг ривожланган.

Ҳозирги шароитда жамият ҳаётининг барча соҳалари тубдан ўзгараётган бир даврда, ўз вақтида қонунчиликдаги муаммоларни бартараф этишни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Қонунчиликнинг қониқтирилмаган ҳолати тадбиркорлик ташаббусини сусайтиради ва ижтимоий ривожланишни тўхтатади. Ҳуқуқий тартибга солишдаги келишмовчиликлар иқтисодда самарасиз харажатларни

ошириб, салбий ижтимоий ва маънавий қашшоқлр кни олиб келиши мумкин.

Давлат молиявий механизмни шакллантирише 1 у ёки бу даврдаги молиявий сиёсат талабларига тўлақонлр жавоб беришни таъминлашга ҳаракат қилади. Бу, ўз ўрнида, молиявий сиёсат қўйган мақсад ва унга эришиш учун амалга ошириш лозим бўлган вазифаларни ўз вақтида бажарилишига кафолат бўлади.

Республикамиз мустақилликка эришган пайтдан бошлабоқ, давлатимиз раҳбарияти молиявий сиёсат йўналишини халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга, мулкчиликнинг турли хилларини шакллантиришга, бюджет камомadini жаҳон андозасига мос келтириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга даъват этиб келмоқда. Шу аснода, ҳар бир молия йилида реал вазиятдан ва иқтисодий имкониятдан келиб чиқиб, мамлакат миқёсида йиллик молиявий сиёсат дастурлари қабул қилинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 554-сонли қарорига биноан 2000 бюджет йилида Республикамизда асосий молиявий сиёсат йўналишлари қуйидагича аке эттирилган:

- Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг чеғаравий камомадни мамлакатдаги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,8% қилиб белгиланди, ва мазкур камомадни қоплаш манбаларини қуйидаги ресурслар ҳисобига таъминлаш кўзда тутилган:

а) мавжуд камомаднинг 0,7 фоизини давлат қимматли қозғаларини муомалага чиқариш ва уларни самарали жойлаштириш ҳисобидан;

б) камомаднинг 1,1 фоизини давлат мулкни хусусийлаштириш ва бошқа ноинфляцион манбалар ҳисобидан таъминлаш;

в) ва ниҳоят мавжуд камомаднинг 1,0 фоизини Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки кредит ресурслари ҳисобига амалга ошириш режалаштирилди.

Мазкур манбаларнинг иқтисодий тузилишидан маълум бўлмоқдаки, ушбу молиявий манбалар миллий валютани қалрсизланишига бевосита таъсир этмайдиган ресурслардан таркиб топган.

Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳаллий ҳукумат ва бошқарув органларини жавобгарлиги билан бирга, уларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида, маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қуйидаги умумдавлат солиқлари ва йиғимларини тўлалигича қолдириш кўзда тутилган:

- а) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- б) экология солиғи;
- в) юридик мақомга эга бўлмасдан, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- г) кичик корхоналар учун белгиланган соддалаштирилган солиқ;
- д) пиво, ўсимлик ёғи, гилам ва гилам маҳсулотлари, хрустал буюмлар ва хрусталдан ясалган қандиллар, мебель, видео-аудио аппаратураси ва қумушдан қилинган ошхона анжомларидан олинадиган акцизлар.

Вазирлар Маҳкамасининг резерв фонди Давлат бюджетининг харажатига нисбатан 1,4 фоизда белгиланди, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига ташқи қарзларни жалб қилишдан вужудга келган қарз мажбуриятларини қоплаш учун 2000 йил бюджет харажатларига нисбатан 0,6% миқдорида белгиланди:

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ҳокимияти ва Тошкент шаҳар ҳокимияти ихтиёрида, шу субъектлар маҳаллий бюджет харажатларидан 0,6 фоизни кўзда тутилмаган харажатлар учун белгилаб қўйди;

- тижорат асосида фаолият курсатаётган юридик шахслар учун белгиланган фойда (даромад) солигининг ставкаси 33 фоиздан 31 фоизга пасайтирилди;

- қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкаси 20 фоиз миқдорида белгиланди;

- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи беш погонали ставкадан туриб погонали ставкага туширилиб, энг юқори ставкаси 40 фоиз ва энг қуйи ставкаси 15 фоизда жорий этилди;

- мулкчилик шаклидан қатъи назар барча юридик

шахслар меҳнат хақи фондларидан социал сугурта фондларига қуйидаги миқдорда ажратмаларни ўтказиш белгилаб қўйилди:

а) пенсия фондига - 37,3 фоиз;

б) Қасаба уюшмаси федерация кенгашига - 1,2 фоиз;

в) Республика бандлик фондига - 1,5 фоиз.

- жисмоний шахслар иш ҳақидан 2,5 фоиз миқдорда мажбурий сугурта бадалларини тўлаш ўрнатилди.

Ҳозирги кунда Республикамизда олиб борилаётган молиявий сиёсатнинг марказий бўғинида турган асосий масала - бу юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар, тўловлар, йиғимлар ва ажратмалар юқини имкон қадар пасайтиришдан иборатдир.

Молияни бошқариш

Молияни бошқариш ҳақида умумий тушунча

Бошқарув деганда, маълум бир натижага эришиш, шунингдек, махсус қоида ва услублар йигиндиси орқали бирор-бир объектга мақсадли таъсир тушунилади. Бошқарув инсон фаолиятининг барча қирраларига хос бўлиши билан бир қаторда, молиявий фаолиятга ҳам тегишлидир.

Молияни бошқариш бутун халқ ҳўжалигини бошқаришнинг таркибий қисми ҳисобланади. Молияни бошқаришни махсус аппарат ўзига хос қоида ва услублар, шу жумладан, ранг-баранг рағбатлантириш ва жарималар ёрдамида амалга оширади. Молияни бошқариш санъатининг намоён бўлиши олдинга қўйилган вазифаларни қоидалар орқали самарали ҳал этиш ёки услубларни қўллашга қулай шарт-шароит яратиб беришдир.

Ҳар қандай бошқариш фаолиятига хос бўлгани каби молияни бошқаришда ҳам бошқарувнинг объекти сифатида ранг-баранг қўринишдаги ва шу ҳажмдаги молиявий муносабатлар намоён бўлади, субъектлари эса ташкилий тузулмалар ҳисобланади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, молиявий муносабатлар туркумланишига биноан учта соҳага бўлинади: ҳўжалик субъектлари молияси, сугурта муносабатлари ва давлат молияси. Булар молияни бошқаришнинг учта объекти ҳисобланади ва молия бошқарувининг қуйидаги субъектларига мос бўлади. Булар - ҳўжалик субъектлари таркибидаги молия хизмати (бўлими), сугурта органи, молия органлари ва солиқ инспекциялари.

Молияни бошқаришни амалга оширувчи барча ташкилий тузулмаларнинг йигиндиси молиявий аппарат дейилади.

Молиявий муносабатларнинг ҳар бир соҳаси ва ҳар бир бўғинида бошқарув субъектлари молияга таъсир қилишнинг ўзига хос мақсадли услубларидан фойдаланади. Шу билан бир қаторда, уларда бошқарувнинг мувофиқли

коида ва услублари ҳам мавжуддир. Масалан, молияни бошқаришда бир нечта ижро элементлари бўлиб, булар таркибни режалаштириш, тезкор (оператив) бошқариш ва назоратдан иборат.

Молияни бошқариш тизимида асосий ўринни, режалаштириш элементи эгаллайди. Хар бир хўжалик субъекти айнан режалаштириш пайтида ўзининг молиявий ҳолатини хар томонлама баҳолай олади, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш мумкин бўлган субъектлар ва объектларга йўналтира олади. Бошқарув субъектлари молия бошқариш қарорларини молиявий информацияларни таҳлил қилиш асосида қабул қилади. Молиявий маълумотларнинг тўғри ва ўз вақтида таъминланиши илмий асосланган қарорларни қабул қилишга замин яратади. Молиявий маълумотлар бухгалтерия, статистика ва оператив ҳисоботлар базасида шаклланади.

Оператив бошқарув - бу оператив таҳлиллар асосида ишлаб чиқиладиган комплекс чора-тадбирлар бўлиб, асосий мақсад молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда кам харажат қилиб, юқори иқтисодий самара олиш демақдир. Оператив бошқарувнинг асосий мазмуни - янгидан пайдо бўлиши мумкин бўлган вазифаларни қарор топтириш мақсадида, молиявий ресурслар эгилувчанлигини таъминлашдир.

Бошқарув элементларининг сўнггиси Назорат бўлиб, ушбу элемент режалаштиришда ҳам, оператив бошқаришда ҳам бевосита иштирок этади. Назорат - фойдаланилган (ишлатилган) молиявий ресурсларнинг режадагиси билан ҳақиқийси ўртасидаги натижаларни таққослайди, молиявий ресурсларнинг ўсиш суръатларини аниқлайди ва хўжалик юритишнинг самарали йўлларини белгилайди.

Молиянинг бошқариш тизимини шартли равишда икки гуруҳга бўлиб, уни 2-схемада қуйидагича шакллантириш мумкин.



Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига бинoан молияни умумий бошқариш Олий бошқарув органларига юклатилган. Молияни оператив бошқаришни махус молия аппарати амалга оширади. Давлат молиявий аппарат ёрдамида тармоқлар иктисодининг барчасини, молиявий фаолиятни тартибга солиб туради. Молиявий аппарат қуйидаги тадбирларни амалга оширади:

- оператив молиявий режалаштириш
- ҳисоб ва таҳлил
- назорат ва тартибга солиш
- молиявий режаларни ташкил қилиш ва ижро этиш.

Корхоналар молиясини бошқаришни уларнинг таркибидаги махус молия бўлимлари ёки хизматлари амалга оширади. Сугурта соҳасидаги молиявий ресурсларни махус сугурта тузилмалари бошқариб боради. Давлат молиясини

бошқариш билан боғлиқ бўлган тадбирларни Молия вазирлиги, Давлат Солиқ Қўмитаси, Давлат Божхона Қўмитаси ва уларнинг жойлардаги қуйи бўғинлари амалга ошириб боради.

Молиядан самарали фойдаланишда уни бошқаришни тўғри ташкил этилиши муҳим роль ўйнайди. Бозор иқтисодига ўтиш ва ижтимоий-иқтисодий ўзгариш талабларидан келиб чиқиб, Молия вазирлигининг аппарати тубдан қайта қурилди. Ҳозирги кунда Республика Молия вазирлигида вазирдан ташқари еттига вазир муовини фаолият кўрсатмоқда. Молия вазирлиги аппаратида бир нечта мақсадли йўналишлар билан банд бўлган бошқарма ва департаментлар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардир: Давлат бюджети бош бошқармаси, Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва социал ривожланишни молиялаштириш бошқармаси, Солиқ сиёсатини бошқариш, Пул муомаласини бошқариш, Агросаноат комплексини тартибга солиш ва молиялаштириш бош бошқармаси, Назорат тафтиш бош бошқармаси ва бошқалардир. Ушбу бошқарма ва департаментлар молияни бошқаришни оператив амалга оширувчи субъектларнинг бир қисми бўлиб, улар харажатларни ўз вақтида ва тўлалигича амалга ошириб боради.

Марказлашган фондларнинг даромад қисмининг аксариятини Давлат Солиқ Қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари амалга ошириб боради. Давлат Солиқ Қўмитаси ходимлари ва хизматчиларининг фаолиятини 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги махсус қонун бошқариб туради.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиянинг бошқарув органлари анъанавий ревизор-тафтишчи сифатида фаолият кўрсатмасдан, балки тармоқлар иқтисодидаги ҳамкор ва мижозларнинг иқтисодий фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган ишлар билан шугулланиши зарур. Ҳозирда, молияни бошқарув аппарати тузилишини тубдан қайта қуриш шунчаки бир тадбир эмас, балки иқтисодий қайта қуриш шароитида молия тизимининг ролини ошириш, кам харажат қилиб, юқори молиявий самарага эришиш ва аҳоли ижтимоий ҳаётини енгилаштиришга қаратилган тадбирлар бўйича амалий ҳаракатлар қилишдан иборатдир.

Бозор иқтисодига ўтиш шароитида молиявий режалаштиришдаги ўзгаришлар

Молиявий режалаштиришнинг объекти - бу давлат ва ҳўжалик субъектларининг молиявий фаолияти ҳисобланади. Молиявий режаларнинг шакли корхоналар, муассасалар ва бирлашмаларнинг ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш фаолиятдан келиб чиқиб, алоҳида муассасанинг «Сметаси»дан бошлаб, давлатнинг «йиғма молиявий баланси»гача бўлади. Ҳар бир молиявий режада маълум бир муддатга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар ҳамда молия соҳалари ва кредит тизими билан алоқалари (бадаллар, ажратмалар, бюджетга солиқлар, банк кредити учун тўловлар ва бош.) аниқ қилиб белгиланади.

Молия тизимининг барча бўғинлари молиявий режалаштиришни амалга оширади, бироқ молиявий режанинг шакли, таркиби, тузилиши ва ҳажми ҳар бир бўғиннинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади. Масалан, тижорат асосида фаолият кўрсатаётган ҳўжалик субъектлари «даромадлар ва харажатлар баланси» шаклидаги молия режасини тузса, нотижорат асосида фаолият кўрсатаётган ҳўжалик субъектлари «смета харажатлари» тузади, жамоа бирлашмалари, кооператив, суғурта ташкилотлар молиявий режалар тузса, давлат бошқарув органлари республика ҳамда маҳаллий бюджетларни тузадилар.

Молиявий режалаштиришнинг муайян вазифалари молиявий сиёсат томонидан белгиланиб, куйидаги кўрсаткичларни камраб олади:

- режали топшириқларни бажариш учун зарур бўлган пул ресурслари ва уларнинг манбаларини аниқлаш;
- даромадлар ҳажмини ошириш ва харажатларни тежаб иқтисод қилиш;
- марказлашган ва марказлашмаган пул фондлари ўртасида пул ресурсларини тақсимлашда оптимал пропорцияни белгилаш ва бошқалар.

Маъмурий кўмондонлик бошқаруви тизимида пул даромадлари ва жамғармаларининг шаклланиши ва

тақсимланиши, уларни марказлашган ва марказлашмаган пул фондларига гуруҳлаш деректив режалаштириш орқали амалга оширилар эди. Деректив режалаштириш бошқарув тизими функцияларидан бири бўлиб, ўзгармас қатъий хусусияти билан ажралиб туради. Бозор иқтисодиёти шароитида режалаштириш бошқарув тизимининг асосий функцияси бўла туриб, давлатнинг иқтисодий ва социал фаолиятини тўлиқлигича қамраб олмайди. Агар режали иқтисодда молияни бошқариш жараёнида, асосан, тақсимлаш соҳасига эътибор қаратилган бўлса, бозор иқтисодиёти шароитида эса ишлаб чиқариш жараёнининг айирбошлаш соҳасига асосий эътибор қаратилади. Чунки, айирбошлаш орқали маҳсулот ва хизматлар реализация қилинади ва маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳамда сотилишига кетган ижтимоий зарурий харажатлар том маънода тан олинади.

Бозор иқтисодиёти режалаштиришни рад этмайди, аммо маъмурий буйруқбозлик иқтисоддаги режалаштиришга нисбатан эгилувчан ва давр талабига мос ҳаракат қила оладиган бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай ижобий натижага эришиш таҳлиллаш ва программалаш орқали амалга ошади.

Молиявий кўрсаткичларнинг таҳлилий ва режали ҳисоботлари турли хил усулларда қўлланилади. Аммо асосийлари ҳақида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

- Экстраполяция усули
- Норматив усули
- Баланс усули.
- Математик моделлаштириш усули.

Экстраполяция усулининг моҳияти шундан иборатки, ҳужалик фаолиятининг ўтган давр молиявий натижаларини ижобий ва салбий томонларини зимдан ҳисобга олиб, келгуси давр режалаштиришида улар эътиборга олинмиши зарурлигини кўрсатади. Масалан, ўтган йили даромадлар тушуми 2.000 млрд сўмни ташкил қилган, режада эса 1.900 млрд сўм эди. Келгуси йили режа 1.950 млрд сўм қилиб белгиланиши зарур. Бу экстраполяция усулининг ижобий кўрсаткичидир. Мазкур усулнинг салбий кўрсаткичи вужудга келганда қуйидаги кўриниш вужудга келиши зарур.

Ўтган молия йили даврида режа бўйича 1990 млрд сўм, тасдиқланган. Бирок, ҳақиқатда, 1800 млрд сўм даромад маблағлари шаклланди. Бундай ҳолатда келгуси йилги молия режаси даромадлар бўйича 1850 млрд сўмни ташкил қилиши лозим.

Норматив усулдан фойдаланиш белгиланган, тасдиқланган норма ва нормативларга таянган ҳолда бажарилади.

Математик моделлаштириш усули реал иқтисодий ва социал жараёнлар оқимини акс эттирувчи молиявий моделлар кўринишида гавдаланади.

Баланс усулида, молиявий ресурсларнинг шаклланиш манбалари ва улардан фойдаланишдаги боғлиқлик ҳамда тенгликни таъминлаш ўз ифодасини топади.

Режали иқтисод даврида қўлаб деректив ва адресли режалар қабул қилинар эди, шу жумладан, молия режалари ҳам қабул қилинганда чамалаш (прогноз) усулидан фойдаланиш рад этилмасди. Ўша даврларда турли хил кўринишдаги чамалашлар ишлаб чиқилар эди, жумладан, демографик ҳолат, табиий ресурслар, фан-техника прогресси, молиявий ресурслар ва бошқалар. Ушбу режаларнинг муддатлари 5 йилликдан 20 йилликкача бўлиб, перспектив характерга эга бўлар эди. Мазкур перспектив режалар назарий томондан асосланган бўлса-да, давр ўзгаришига мослашмай эгилувчанлик хусусиятига зид келар эди.

Иқтисодий ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида асосий элементлар қуйидагилар ҳисобланади: нарх-наво, товар ва хизматларга талаб ва таклиф, ишчи кучи, ссуда капиталлари, рақобат ва бошқалар. Баҳонинг тебраниши ва унинг микдори товар ва хизматларга бўлган талаб ва таклифларга боғлиқ бўлади. Бундай шароитларда товарлар ассортиментини аниқлайдиган, бозорни бошқарадиган тизимнинг мавжудлиги бўлиши зарур. Бозорни ташкил қилиш, унинг таҳлили ва режалаштириш элементлари билан бошқариш маркетинг орқали ташкил этилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўтказилаётган иқтисодий ислохотларда молиявий режалаштириш бошқарувининг асосий функцияси бўлиб қолмоқда ва ҳўжалик юри-тишининг давр талабларига мослашмоқда. Бундай ҳолат

тармоқлар иқтисодидаги бюджетдан молиялаштирилаётган маориф, соғлиқни сақлаш ва бошқарув йўналишларида ҳам ижобий ўзгаришлар билан кузатишмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджети ҳисобига маблаг билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бюджет ташкилотларини маблаг билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали ва аниқ фойдаланиш мақсадида, 3 сентябрь 1999 йилда қарор қабул қилди. Ушбу қарорга мувофиқ, юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларига ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ҳуқуқи берилиб, жамғарманинг қуйидаги молиявий манбалар ҳисобидан шаклланиши кўзда тутилган:

- режага мувофиқ бюджетдан маблаг билан таъминлаш ҳисобига тушган ва ҳисобот чорагининг охириги иш кунида бюджет ташкилотлари ҳисоб варақаларида қолган, тежаб қолинган (фойдаланмаган) маблағлар (капитал қўйилмаларни маблаг билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустаснодир);

- бюджет ташкилотлари фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар;

- вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни бошқа ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизи, қолган 50 фоиз маблаг маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказилиши белгилаб қўйилган;

- юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган ҳомийлик ёрдами (беғараз ёрдам) ҳисобига шакллантирилади.

Мазкур молиявий жамғармаларни қуйидаги йўналишларда фойдаланиш режалаштирилган:

- аввало, мавжуд кредиторлик қарзларини тўлашга;

- бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларига;

- ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш тадбирларига ва бошқа шу йўналишларга тааллуқли тадбирларга.

Бюджет сметасида молиялаштирилган корхоналарда хўжалик ҳисобининг элементларидан самарали фойдаланиб, жамоа учун қўшимча даромадлар шакллантиришга имконият ярағатганидан далолат бериш, юқорида зикр этилган Вазирлар Маҳкамасининг қароридан тасдиқланиб турибди.

Ҳозирги шароитда моддий ишлаб чиқариш корхоналарида соддалаштирилган, яъни даромадлар ва харажатлар қисмидан ташкил топган молиявий режа (бу асосан кичик ва ўрта корхоналар учун) ва кўп қиррали, яъни даромадлар ва харажатлар балансидан иборат бўлган молиявий режалар тузиш амалиётда ўз тасдиғини топмоқда.

Молиявий назорат

Молиявий назоратнинг таркиби ва аҳамияти

Молиявий назорат - бутун назорат тизимининг таркибий қисми бўлиб, унинг йўналиши, давлат молия сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш, тармоқлар иқтисодидаги барча соҳа ва бўғинларда молиявий ресурсларни шакллантириш ва самарали фойдаланишга қаратилган бўлади. Бозор иқтисодига ўтиш даврида ва бозор муносабатлари ривожланган тақдирда ҳам молиявий назоратнинг салоҳияти пасаймасдан, балки ошиб боради.

Молиявий назорат - молиянинг назорат функциясини ҳаётга татбиқ этиш кўринишида намоён бўлиб, у молиявий назоратнинг мазмуни ва йўналишини белгилаб беради. Шундай бўлса-да, молиявий назоратнинг мазмуни ва йўналиши жамиятдаги ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларининг ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда ўзгариб туради. Масалан, корхоналарнинг хўжалик юритиш ҳуқуқларининг кенгайиши, уларнинг молиявий фаолиятини олиб боришдаги мустақиллиги, тадбиркорликнинг рангбаранг кўринишдаги мулк шакллариининг вужудга келиши молиявий назоратнинг мазмунини бойитишга олиб келади.

Молиявий назорат - бу махсус шакл ва услубларни қўллаш орқали хўжалик юритувчи ва бошқарув органларининг молиявий фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни текширишга қаратилган ҳаракатлар ва тафтишлар йигиндисидир.

Молиявий назоратни татбиқ этиш учун юқори малакали ва тажрибали мутахассислардан таркиб топган махсус орган ташкил этилади. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари конунчилик орқали қатъий регламентланган бўлади. Молиявий назорат - тармоқлар иқтисодидаги назоратнинг таркибий қисми бўлиб, у қиймат категорияси билан боғлиқдир. Молиявий назорат маълум бир соҳаларда қўлланилиб, ўзига хос мақсадли йўналишга эга бўлади. Молиявий назоратнинг объекти бўлиб, унга молиявий ресурсларнинг

харакати, шаклланиши ва фойдаланишдаги тақсимлаш ва пуллик жараёнлар шунингдек, тармоқлар иқтисодининг барча бўғинларидаги фонд шаклидаги пул ресурслари ҳам киради.

Бевосита текшириш предметлари эса, молиявий (қиймат) кўрсаткичлар таркибига кирувчи фойда, даромад, бевосита ва билвосита солиқлар, рентабеллик, маҳсулот таннарни, муомала харажатлари, турли хил мақсадлар ва фондларга ажратмалар ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичлар уйғунлашган характерга эга бўлади, шунинг учун назорат, ҳужалик юритувчиларнинг ишлаб чиқариш, ҳужалик юритиш, тижорат ҳамда молия-кредит механизмидаги ўзаро боғлиқликни барча томонларини камраб олади.

Молиявий назорат қуйидаги текширишларни ўзида акс эттиради:

- объектив иқтисодий қонунлар талабига риоя этиш;
- миллий даромад ва ялпи ижтимоий маҳсулот қиймати тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги оптималликни таъминлаш;
- давлат бюджети даромадини ташкил этиш ва ижроси (бюджет назорати)ни таъминлаш;
- корхона, ташкилот ва бюджет муассасаларида молиявий, меҳнат ва материал ресурсларидан самарали фойдаланиш;
- ҳужалик субъектларининг молиявий ҳолати ва солиқ назорати.

Молиявий назоратнинг олдида ҳал қилиниши лозим бўлган қуйидаги вазифалар туради:

- тармоқлар иқтисодидаги пул даромадлари ва фондлари билан молиявий ресурсларга бўлган талаб ўртасидаги мутаносибликка таъсир ўтказиш;
- давлат бюджети олдидаги молиявий мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқлигича бажарилишини таъминлаш;
- молиявий ресурсларни юксалтиришда ички ишлаб чиқариш резервларини аниқлаш;
- таннарни пасайтириш ҳисобига рентабелликни ошириш йўллари кўрсатиш;
- ҳужалик субъектларининг пул ресурслари ва моддий бойликларни мақсадга мувофиқ объектларга сарфлашга

таъсир қилиш, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тўғри юргизиш;

- ҳаракатдаги қонунчилик ва норматив актларга риоя қилишни таъминлаш, шунингдек, турли хил мулк шаклидаги корхоналарни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш учун таклифлар бериш;

- корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолияти ва валюта операцияларидан юксак иқтисодий самара олишга шарт-шароит яратиш ва шу қабилар.

Молия интизомига риоя қилиш учун молиявий назорат корхона, ташкилот ва муассасалар жавобгарлиги билан узвий боғлиқликда бўлади. Бундай жавобгарлик молия интизомини бузган шахсга нисбатан, ҳам маъмурий қўриқнишда, ҳам иқтисодий усулда бўлиши мумкин. Иқтисодий услул билан таъсир кўрсатиш муайян молия санкциялари орқали амалга оширилади.

Молиявий жавобгарликни кучайтириш, бир томондан, молиявий назоратнинг таъсирини юксалтиришда қўлланилаётган молиявий санкциялар миқдорини камайитиришни талаб қилса, иккинчи томондан, уларнинг самарадорлик даражасини оширишни талаб этади.

Молиявий назоратни ташкил этиш ва унинг таъсирини ошириш йўллари

Жамиятдаги иқтисодий ҳаётнинг турли хил соҳаларида ва ҳўжалик бошқарувидаги кўп қиррали мураккаб вазифаларни ҳал қилишда молиявий назорат фаол иштирок этади, шунга биноан уни ташкил этиш учун маълум бир талабларни аниқлашни тақозо этади.

Молиявий назоратни амалга оширувчи субъектлар ўз мавқеидан келиб чиқиб қуйидагича фарқланади:

- давлат молия назорати
- корхона ичидаги молия назорати
- жамоа молия назорати
- мустақил (аудиторлик) молия назорати.

Давлат молия назоратини умумдавлат бошқарув органлари билан бир қаторда, алоҳида вазирликлар орқали

хам амалга оширади. Умумдавлат бошқарув органлари молия назоратини амалга ошираётганда, мамлакат ҳудудидаги хўжалик субъектларининг мулк шакли ва вазирликка бўйсунитидан катъи назар барчасини қамраб олади. Вазирликлар томонидан амалга ошириладиган молия назоратини фақат ўзларининг таркибидаги махсус назорат-тафтиш органлари амалга оширади. Уларнинг текшириш объектлари эса, вазирликлар таркибидаги корхоналар, концернлар, ассоциациялар ва акционерлик жамиятларининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятидан иборат бўлади.

Корхона ичидаги молия назоратини корхона, ташкилот ва муассаса ичида ташкил қилинган иқтисодий хизмат (бухгалтерия, молия бўлими)лар амалга оширади. Назорат объекти эса, алоҳида корхонанинг молия ва ишлаб чиқариш жараёни ҳамда алоҳида корхона таркибига кирувчи тузулмавий бўлим (филиал, шахобча, бўлим)лар ҳисобланади.

Жамоа молия назоратини алоҳида гуруҳ, алоҳида жисмоний шахслар (мутахассислар) ихтиёрий ва меҳнат ҳақи талаб қилмаслик шарти асосида амалга оширади. Назорат объекти бўлиб, текширувчи олдида турган муайян вазифалар назарда тутилади.

Мустақил (аудиторлик) молия назоратини махсус аудит фирмалари ва хизматлари амалга оширади.

Молиявий назоратни амалга ошириш шакли куйидагича бўлади: дастлабки, жорий ва сўнги.

Молия назоратининг дастлабки шакли - юридик ва жисмоний шахсларнинг молия хўжалик жараёнини юргизишда муҳим аҳамият касб этиб, у корхона молия режасини ташкил қилишда, кўриб чиқишда ва тасдиқлашда, муассаса ва ташкилотларнинг даромадлар ва харажатлар сметаси, таъсис ҳужжатларини имзолашдан олдин амалга оширилиши лозим бўлган жараёнлар тартибидир. Шундай қилиб, дастлабки назорат молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга ижобий шарт-шароит яратиб беради. Молиявий назоратнинг бу шакли амалдаги қонунчилик ва норматив актлар бузилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Жорий молия назорат шакли хўжалик-молия операциялари жараёни орқали молия режалари бажарилаётган пайтда қўлланилади. Ушбу шаклнинг асосий аҳамияти - корхоналарнинг ички хўжалик резервларини излаш ҳисобидан жамгармани оширишга таъсир қилади. Жорий молия назорати корхона, ташкилот ва муассасаларнинг молия хизматлари орқали молия режаси бажарилаётганда, молиявий интизомлар бузилишининг олдини олиш мақсадида кундалик тадбирларни амалга оширади.

Молия назоратининг сўнгги шакли - ҳисобот даври ва бугун молия йили тугагандан сўнг амалга ошириладиган тадбирлар йигиндисиدير. Бунда, бюджетни ижро этишдаги давлат пул ресурсларини мақсадга мувофиқ харажат қилинганлиги, корхона ва ташкилотларнинг молия режасининг бажарганлиги ҳамда бюджет муассасалари сметасининг бажарилиш натижалари текширилади. Сўнгги молия назорати дастлабки молия назорат шакли билан ўзаро боғлиқликдадир, чунки сўнгги назорат дастлабки молия назорати базасида амалга оширилади.

Молия назорати амалга ошириш усуллари бўйича ҳам фарқланиб, у қуйидаги усулларга бўлинади: текшириш, таҳлил ва тафтиш.

Текшириш усули орқали, ҳисобот, баланс ва харажат хужжатлари асосида корхона молия-хўжалик фаолиятининг алоҳида масалалари куриб чиқилади. Текшириш жараёнида молия интизомининг бузилган нуқсонлари аниқланади, натижада, мавжуд муаммоларни баргараф этиш ва салбий ҳолатларни такрорланмаслиги учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Молия назоратининг таҳлил усули муқаррар ва омил-кор бўлиши лозим, чунки у даврий йиллик ҳисоботлар орқали бажарилади. Пировардида, маблағларни харажат қилиш нормаси таъминланади ва режанинг бажарилиши аниқланади.

Молия назоратининг тафтиш усули корхона ва ташкилотларнинг ҳисобот давридаги молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун қўлланилаётган энг устувор усулларидан бири ҳисобланади.

Амалиётда ҳар қандай тафтишни амалга оширишдан

олдин махсус дастур қабул қилиниб, унинг таркибида тафтиш мақсади, объект, мавзуси ва вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган асосий масалалар акс эттирилади.

Тафтишнинг мақсадидан келиб чиқиб, турли хил ёндашишлар қўлланилади, жумладан, режа ва ҳисоботдаги маълумотларни қиёслаш, нақд пулларни текшириш, ҳужжатли ва қарама-қарши текширишлар, моддий-товар бойликларини инвентаризация қилиш ва шунга ўхшашлар.

Тафтиш сўнггида тафтишни амалга оширган мутахассислар томонидан акт тузилади. Актда корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятида юзага келган камчиликлар ва муаммоларни бартараф қилиш учун чора-тадбирлар кўрсатилади.

Молиявий назоратнинг субъектлари эса, бирор-бир объектни назорат қилиш функцияси юклатилган махсус органлар ва ташкилотлардир. Молия вазирлиги таркибида бўлган молия органлари давлат молиясига ва унинг марказий бўғини бўлган давлат бюджетига пул ресурсларини жалб қилиш ва харажатлардан самарали фойдаланишни назорат қилиб туради. Молия вазирлиги аппаратида назорат-тафтиш бошқармаси (департаменти) фаолият олиб борса, маҳаллий-худудий молия бошқармаларида эса бош назорат-тафтиш аппаратлари функционал ишларни олиб боради.

Назорат-тафтиш бошқармаси ва бош назорат-тафтиш аппарати корхона, ташкилот ва муассасаларнинг барча турдаги молия-ишлаб чиқариш фаолиятини тафтиш қилишга ҳақли бўлади.

Давлат солиқ қўмитаси - бу молиявий назоратнинг оператив органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунига биноан ўз фаолиятини олиб боради. Солиқ инспекцияси фаолиятининг хусусиятли томони шундаки, у вертикал принципда ташкил қилинган бўлиб, маҳаллий жойлардаги туман, шаҳар солиқ инспекциялари фақат ўзининг юқори табақадаги органига бўйсунди ва шунга бевосита ҳисобот беради.

Давлат солиқ хизматининг асосий вазифалари қуйилгилардан иборат:

- солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя

этилиши, соликларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;

- солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича мажбуриятларни бажаришларида ёрдам кўрсатиш;

- солиқ сиёсатининг рўёбга чиқарилишида бевосита қатнашиш;

- солиққа тортиладиган объектлар ва субъектларнинг тўлиқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш;

- солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- солиқ тўловчиларнинг (шу жумладан, солиқ тўловчи билан боғлиқ бўлган субъектларнинг) молиявий ҳужжатлари, шартномалари (контрактлари), режалари, сметалари, даромадлар ҳақидаги декларациялари ва солиқларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларини, шунингдек, экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ ҳужжатларини текшириш, текширув вақтида юзага келадиган масалалар бўйича зарур тушунтиришлар, маълумотлар ва ахборотлар олиш;

- юридик ва жисмоний шахслардан солиқ тўловчиларнинг фаолиятига тааллуқли ахборотлар, маълумотномалар, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини олиш;

- солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўяётган юридик ва жисмоний шахслардан даромадни (фойдани) ва солиққа тортиладиган бошқа объектлар яширилганлигидан далолат берувчи ҳужжатларни, шунингдек, ҳуқуқбузарлик предметларини олиб қўйиш;

- талбиркорлик фаолияти билан шугулланиш тартибини бузаётган жисмоний шахслардан лицензиялари, патентлари ёки рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларини олиб қўйиб, сўнгра қонун бузилганлигига доир материалларни мазкур фаолият билан шугулланишга рухсат берган органларга топшириш;

- кассаларни ва товар-моддий бойликлар ҳамда

хужжатлар сақланган жойларни муҳраб қўйиш, товарлар, буюмлар, хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг намуналарини, шунингдек, хужжатларни олиб қўйиш ва уларни текширишга, татбиқ қилишга ва экспертизага юбориш;

- савдо қоидаларига, товарларни бериш ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг қасрда жойлашганлигидан қатъиназар, даромад (фойда) олиш учун фойдаланиладиган ёхуд солиққа тортиш объектларини сақлаб туриш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш бинолари, омбухоналар, савдо ва бошқа биноларни ҳамда жойларни (шу жумладан, алоҳида режимдаги корхоналарни) текшириш, бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни текширув тариқасида ўлчаш ва товар-моддий бойликларни рўйхат қилиш. Солиқ хизмати органларининг солиқлар бўйича текшириш ўтказаетган мансабдор шахслари мазкур бинолар ёки жойларга киритилмаган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари ўзларида мавжуд бўлган ахборотлар (шу жумладан, солиқ тўловчининг харажатлари ҳақидаги ахборотлар) асосида ёки бошқа шунга ўхшаган солиқ тўловчиларга солинадиган солиқларни назарда тутган ҳолда солиқлар суммасини мустақил равишда белгилашга ҳақлидирлар;

- юридик ва жисмоний шахслардан хужжатларининг бузилганлиги аниқланган ҳолларни бартараф этишни талаб қилиш;

- юридик ҳамда жисмоний шахслар хужжатлар асосида (ҳисоб-китобли) текширув ўтказилишини ёки давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслар даромад (фойда) олиш учун фойдаланадиган ёки солиққа тортиш объектини сақлаб туриш билан боғлиқ бинолар ва жойларга киритилишини рад этса, солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ молиявий ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бошқа хужжатларни солиқ хизмати органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига тақдим этмаса (ёки тақдим этишни рад қилса), бундай юридик шахсларнинг, шунингдек, қонун хужжатларига мувофиқ

жисмоний шахсларнинг банклардаги ва бошқа молия-кредит муассасаларидаги ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варақалари бўйича операцияларини тўхтатиб қўйиш;

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

- солиқларга оид қонунбузарликлар ҳақидаги ишларни қўриб чиқиш ва юридик ҳамда жисмоний шахсларга нисбатан молиявий жазо чораларини қўллаш;

- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш;

- солиқлар борасида қонунбузарлик фактлари бўйича товар-молдий бойликларни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва белгиланган тартибда мусодара қилиш;

- солиқлар бўйича боқимандаларни, шунингдек, жарима суммаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ сўзсиз ундириб олиш;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг гайриконуний равишда олган маблағларини давлат даромадига ундириш ҳақида уларга нисбатан судда даъво қўзғатиш;

- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишни белгиланган тартибда мувофиқлаштириш, назорат қилувчи органлар ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш юзасидан амалга ошираётган ишларни тўхтатиш ҳақида таклифлар киритиш;

- даромадлар (фойда) ёки бошқа солиққа тортиш объектларини яшириш ҳоллари аниқланганда қонун ҳужжатларига мувофиқ суриштирув ўтказиш, жиноий ишлар қўзғатиш ва уларни терговга тегишлигига қўра ўтказиш.

Давлат солиқ хизмати органлари «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонун билан бир қаторда, бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

Давлат солиқ хизмати органлари давлат статистика, ахборот, архив, маълумот ва бошқа ташкилотларнинг солиқ туловчилар ҳақидаги маълумотларини бериш юзасидан кўрсатадиган хизматлари (бажарадиган ишлари) учун ҳақ тулашдан озод қилинади.

Давлат солиқ хизмати органларининг нафақат, вазифа

ва ҳуқуқлари мавжуд, балки мажбуриятлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат бўлади:

- солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан давлат назоратини амалга оширишлари, ушбу Қонун ва бошқа ҳужжатларнинг талабларига риоя этиш;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

- солиққа тортиладиган субъектлар ва объектлар, ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини, шунингдек, жисмоний шахсларнинг тadbиркорлик фаолияти билан шугулланиш тартибига риоя этишлари устидан назоратни таъминлаш;

- солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича йўриқнома материаллар, услубий кўрсатмалар ва қўлланмалар ишлаб чиқиш ва нашр этиш;

- солиқлар бўйича текширувлар ўтказилаётган вақтда солиқ тўловчиларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтириш;

- солиқ тўловчиларга ўтказилган текширувлар натижаларини маълум қилиш;

- солиқ тўловчиларга солиқ ҳақидаги қонунлар ва норматив ҳужжатларни ўз вақтида етказиш;

- солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш фактларини тўғрилаш, таҳлил этиш ва баҳолашлари ҳамда солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга йўл очиб бераётган сабаблар ва шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритиш;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг узок муддатли ва жорий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- солиқларга оид қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа ахборотларни текшириш;

- юридик ва жисмоний шахсларга, улар солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олинганликлари тўғрисидаги ҳужжатларни, рўйхатдан ўтказиш (идентификациялаш) тартиб

рақамларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериш;

- мусодара қилинган, эгасиз мол-мулк, хазиналар, мерос ҳуқуқи бўйича давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтган мол-мулкнинг ҳисобини юритишлари, уларни баҳолашлари ва уларнинг реализация қилинишини назорат этиш;

- масалани ҳал этиш давлат солиқ хизмати органларининг ваколат доирасидан чиққан ҳолларда қонун ҳужжатларини бузиш фактларига оид материалларни прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати органларига ва судга ошириш;

- юридик ва жисмоний шахслар валюта ҳамда экспорт-импорт операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартибига риоя этишларини ўз ваколатлари доирасида назорат қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ, солиқ тўловчиларга тааллуқли маълумотларнинг махфийлигига риоя этиш;

- ўзларига бўйсунадиган бўлинмалар фаолиятини назорат қилиш.

Мазкур мажбуриятлардан ташқари, Давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажарадилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида товар-пул муносабатлари ривожланиши юксалади, пировардида, бир томондан, ҳўжалик субъектларининг ранг-баранг мулк шакллари вужудга келса, иккинчидан, молия бозорининг пайдо бўлиб ривожланишига ҳам туртки бўлади. Бундай ҳолатлар ўз ўрнида молиявий назоратнинг янги турларини вужудга келиши ва ундан самарали фойдаланишни тақозо этади. Аудиторлик - бизнинг республикамизда янги назорат органи бўлиб, у мулк шаклидан қатъиназар барча турдаги корхона, ташкилот ва муассасаларни молия-ҳўжалик, тижорат ва тадбиркорлик фаолиятини пуллик асосда текшириш ўтказди. Аудиторлик фирмалари - бу мустақил муассаса бўлиб, назоратнинг объективлигини таъминлашга ва унинг сифат даражасини яхшилашга таъсир кўрсатади.

Аудиторлик назоратининг вужудга келиши ва ривожлантириш йўллари

Бозор иқтисоди шароитида ҳўжалик субъектлари ўзаро иқтисодий-молиявий муносабатларни горизонтал ҳўжалик юритишда ҳамда халқаро масштабда олиб борадилар. Бу ҳолат ўз ўрнида молиявий маълумотлар, ҳисоботларни объективлик ва асослилик замирида бўлишини талаб қилади. Мамлакатимизда аудиторлик институтларини ташкил қилиш ва бозор талабларига мос ривожлантириш мазкур вазифаларни ҳамда муаммоларни қисқа даврда бартараф этишга хизмат қилади.

Аудитор - бу давлат хизматчиси эмас, балки молия, ҳисоб ва назорат соҳасидаги юқори малакали мутахассис бўлган бухгалтер ревизордир. Аудиторлар ўзаро Аудиторлар ассоциациясига бирлашиб, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга қаратилган аудиторларнинг профессионал билимларини юқори сифатда бўлишини таъминлаб туришни назорат қилиб туради.

Аудит текшируви, кўринишига биноан икки шаклга бўлинади:

1. Ички (фирма теҗрасидаги) аудит.
2. Ташқи аудит.

Ички аудит - бу фирма ичидаги аудиторлик хизмати бўлиб, бош фирма марказида фаолият кўрсатиши билан бир қаторда, филиал ва бўлинмалар таркибида ҳам бўлиши мумкин.

Ички аудитнинг йўналиши, корхоналарда молия-ҳўжалик фаолиятини такомиллаштириш, бошқарув қарорларини ўз вақтида ва тўлиқлигича таъминлаш ҳамда рентабеллик ва фойдалиликни максимал қилишга қаратилган. Ички аудитнинг вазифаларига қуйидаги йўналишлар киради:

- йиллик ҳисоботни тайёрлаш чоғида бухгалтерия ҳисоби қоида ва принципларига риоя қилишни таъминлаш;
- ташқи аудиторлар тавсияларини қайта ишлаш, кўриб чиқиш;
- фирма раҳбарига корхона молия стратегиясининг

барча саволлари бўйича маслаҳатлар бериб туриш;

- марказий орган раҳбарияти учун тайёрланган молиявий маълумотларнинг аниқлиги, шубҳасизлиги ва ўз вақтидалигини текшириш;

- корхона активларини сақлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларнинг таҳлили;

- ликвидли маҳсулотларни эҳтиёж қилиш ва резервларини аниқлаш;

- фирма ва филиалларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини самарадорлигини аниқлаш ва шу қабилар.

Ташқи аудит. Ташқи аудитнинг махсус аудит фирмаси бўлиб, унинг фаолияти давлат солиқ органи, корхоналар, банклар, хорижий ҳамкорлар, акционерлик компаниялари, суғурта ташкилотлари ва бошқа ҳўжалик субъектлари билан биргаликда шартнома асосида олиб борилади. Ташқи аудитнинг асосий вазифаси корхоналар молиявий ҳисоботининг ҳаққонийлигини таъминлаш билан бир қаторда, ҳўжалик фаолиятидаги нуқсонларни бартараф этиш учун йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уни ҳўжаликларга татбиқ этиш орқали молия ҳўжалик ҳамда тижорат фаолиятини яхшилашга қаратилган.

Аудитор фирмаси қўйилган вазифалар ва мақсадларга эришиш учун қўйдаги тадбирларни амалга оширади:

- корхона ва ташкилотларни молия-ҳўжалик ва тижорат фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш;

- солиққа тортилиши лозим бўлган даромадларни тўла ва тўрилигини назорат қилиш;

- молиявий жарималар қўлланишини олдини олиб, солиққа тортиш базасини камайтириш ҳолларига йўл қўймаслик;

- солиққа тортиш муаммолари, ҳисоботни тайёрлаш, ҳисоб ва бошқарув масалаларига оид саволлар бўйича маслаҳат (консалтинг)лар бериш;

- фирма ичидаги аудитор фирмасининг назорат ва аудитининг ҳаққоний самарадорлигини текшириб туриш.

Умуман олганда, аудиторлик соҳасидаги хизматлар ранг-баранг бўлиб, улар фаолиятига яна қўйдаги йўналишларни киритиш мумкин:

- бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва қарор топтириш;

- қўшма корхона ёхуд акционерлик жамияти ташкил қилишда лозим бўлган ҳужжатларни тайёрлаш;

- қарор топаётган шартнома ва контрактларни фаолият бошланганидан сўнги ҳолатини назорат қилиш;

- савдо шартномаларининг таркиб топишида восита-чилик қилиш;

- қонунчиликда молия-банк, солиқлар ва солиққа тортиш, сугурта ва бошқа кўринишдаги иқтисодий соҳаларда вужудга келадиган саволларни изоҳлаб бериш;

- маҳаллий ва хорижий ҳамкорларнинг иқтисодий музокараларида, таъсис ҳужжатларини ташкил этишда ёрдам бериш ва бошқалар.

Аудитор текширувчилар ўз фаолиятини бир нечта босқичда амалга ошириши мумкин. Шартли равишда улар уч босқичга бўлинади:

Биринчи босқич - бу бошлангич ёки тайёргарлик босқичидир. Ушбу босқичда анализнинг ҳаққонийлиги ва самарадорлигини таъминлаш билан бир қаторда, керакли маълумотларни танлаш ва бир тизимга келтириш, ҳисоботдаги турли хил кўрсаткичларни ўзаро боғлиқлиги ва таққослашни текшириш тадбирларини ўзида гавдалантиради;

иккинчи босқичда - кўп миқдорда аналитик ҳисоб-китоблар амалга оширилади;

учинчи босқич - эксперт-аудитор баҳосини хулоса қилиш ва натижани эълон қилишга қаратилган бўлади.

Таомилга биноан аудиторлик хизмати кўрсатиш жараёни, тижорат сирини сақлаб туришга кафолат беради ва бериши шарт. Аммо айрим қонунчиликда алоҳида кўрсатмалар ҳам борки, агарда корхона фаолиятдан давлат ёки бутун жамият азият чекадиган бўлса, тартибни сақлаш органлари ва давлат солиқ қўмитаси органларига талаб қилинган иқтисодий-молиявий маълумотларни аудитор фирмаси бериши лозим.

Аудиторлик фирмаларининг профессионализм хизмати пуллик бўлиб, унинг ўзи хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатаётган юридик шахс ҳисобланади. Бундай фаолият

юритиш унинг бошқа назорат институтларидан фарқлайди ва иктисодий мустақиллигини таъминлаб, давлат ва бошқа вазирликлардан алохидалиги билан ажралиб туришини кўрсатади. Бироқ аудиторлик фаолиятини бошлаётган юридик шахсга махсус (Молия) вазирликнинг рухсати бўлиши шарт.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги республикаларида, шу жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам аудиторлик фаолияти, яъни молиявий назоратнинг бутунлай янги тури, энди-энди ўзининг биринчи қадамларини ташлаб келмоқда. Лекин жаҳон тажрибаси бу турдаги молиявий назоратни кўп йиллардан буён қўллаб келмоқда. (АҚШ, Буюк Британия, Олмония ва бошқалар). Айрим аудитор фирмаларнинг тажрибаси қарийб асрлик тарихга эгадир. Дунёдаги маълум ва машҳур аудитор ташкилотларидан «Артур Андерсон», «МакКинзи», «Куперз Энд Лайбранд» ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Бизнинг Республикамиздаги замонавий аудиторлик фирмаларининг дастлабки қалдирғочлари, иктисодимизда мулк шаклларининг ўзгариши ва қўшма корхоналарни ташкил қилиш бўйича Фармонлар қабул қилиниши билан бевосита боғлиқдир. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг тармоқлар иктисодида юзлаб замонавий аудиторлик фирмалари билан бир қаторда, бир нечта хорижий аудиторлик фирмалари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Аудиторлик фирмалари миқдорининг кўплиги ранг-баранг мулк шаклидаги корхоналар учун сифатли ва арзон хизмат кўрсатиш гарови ҳисобланади.

Молиявий ресурсларни жалб қилиш ва тақсимлашда молия бозорининг тутган ўрни

Режали иктисоддан воз кечиш ва маъмурий буйруқ-бозлик тизимига итоат қилмаслик бозор муносабатларини ривожлантиришни такозо этиб қўяди. Бозор иктисодиёти шароитида молиявий ресурсларни жалб қилиш ва улардан инвестиция жараёнида ҳамда ижтимоий-маданий ҳаётда

фойдаланишда молиявий бозорнинг ўрни бекиёс бўлади. Молиявий бозор икки кўринишдаги: кимматли қоғозлар бозори ва ссуда капиталлари бозоридан таркиб топган бўлиб, у тармоқлар иктисодида пул маблағларининг тартибли ҳаракатини ташкил этишда қулай шарт-шароит яратиб беради.

Молиявий бозорнинг фаолият кўрсатишига таъсир этган объектив сабаблар қуйидагилар ҳисобланади:

- бир вақтнинг ўзида маълум бир инвесторлар ихтиёрида керагидан ортик молия ресурсларининг шаклланиши;
- бир даврда айрим инвесторлар учун керакли молия маблағларининг етишмаслиги;
- пул ресурсларини тармоқлараро мақсадга мувофик тақсимланиши;
- давлат молиясини мувозанатлигини таъминлаш;
- фуқароларнинг қўшимча даромад манбаларига эга бўлиши ва бошқалар.

Ссуда капиталлар бозори молия бозорининг таркибий қисми бўлишига қарамай, уни ўрганувчи алоҳида фанлар бўлганлиги сабаб, биз ўрганиш объекти қилиб, асосий эътиборни кимматли қоғозлар бозорига қаратдик.

Муомалада иштирок этаётган молиявий ресурсларни вақтинчалик жамғариш ва уларни инвестицион (иктисодий самара олиш мақсадида) фаолиятга йўналтириш тadbирлари кимматли қоғозлар бозори ёрдамида амалга оширилади. Кимматли қоғозлар - бу муайян бир давлат қонунларида белгиланган тартибда муомалага чиқарилган ва номинал қийматга эга бўлган пуллик ҳужжатдир. Улар мулкчилик муносабатларини ифодалайди ва маълум мулк ёки пул миқдорига эгаллик қилиш ҳуқуқини қафолатлайди. Кимматли қоғозлар дивиденд ёки фоизлар кўринишида даромад тўлашни ҳамда мазкур ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа инвесторларга ҳам беришни назарда тутди. Кимматли қоғозлар қонун билан белгиланган мажбурий реквизи́тларга эга бўлиши шарт, яъни номинал баҳоси, бозордаги муомала муддати (қарзли кимматбаҳо қоғозларга тегишли), қоплаш усуллари, газначилик ва жамғармалик тартиблари ва шу қаби́лар.

Молия бозорида муомалада бўлган кимматли қоғозлар

хусусиятига кўра икки катта гуруҳга бўлинади:


1. Ҳиссали қимматли қоғозлар.
2. Қарзли қимматли қоғозлар.

Ушбу қимматли қоғозлар молия бозоринда фаолият кўрсатиши бўйича бир-бирига нисбатан катта тафовутларга эга бўлиши билан бирга, ўзаро уйғунлик томонлари ҳам мавжуд.

Ҳиссали қимматли қоғозларнинг анъанавий тури - Акциялар ҳисобланади.

Акциялар, ўз ўрнида, хусусиятига кўра бир нечта белгилари билан ажралиб туради, уни 3-схемада қуйидагича акс эттириш мумкин.

3-схема



Акциялар ичида оддий акцияларнинг мавқеи сезиларли равишда баланд бўлиб, унинг бир нечта қулайлик томонлари бўлиши билан бир каторда, бир нечта рискли хусусиятлари ҳам мавжуд бўлади. Нормал фаолият кўрсатаётган хиссадорлик жамияти чиқарган муомаладаги акцияларнинг қарийб 80 фоизигачасини оддий акциялар ташкил этади. (Айрим давлатларда шундай кўрсаткичда бўлишини қонуан белгилаб қўйиш ҳоллари ҳам учраб туради). Оддий акциялар соҳиби бўлган инвесторларнинг устувор томонлари қуйидагилардан иборат:

- хиссадорлик жамияти ижтимоий, иқтисодий ва инвестицион йўналишни белгилаб олишга бағишланган умумий мажлисда овоз бериш ҳуқуқига эга;

- корхонада шаклланган молиявий натижа фойдани тақсимлашда бевосита иштирок этади;

- имтиёзли акция ва облигация эгаларига нисбатан ўз молиявий даромадларини бир неча бор қўпайтириш имкониятига эга.

- акциялар бўйича даромад олиш ҳажми чегараланмаган.

Хиссадорлик жамиятлари муомалага оддий акциялар чиқариш билан бирга, имтиёзли акциялар ҳам чиқариш имкониятига эгадирлар. Имтиёзли акцияларнинг салмоғи корхона муомалага чиқарган акциялар ичида юқори миқдорга эга бўлмаса-да, бироқ унинг эгалари учун рангбаранг устувор хусусиятлари мавжуд ва, уларни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- молия йилида акционерлик жамияти қандай молиявий натижага (салбий, ижобий) эришишидан қатъиназар, имтиёзли акция эгалари белгиланган иқтисодий самарага эга бўладилар;

- корхонада фойда дивиденд кўринишида тақсимланганда, дастлаб имтиёзли акция эгаларига берилади;

- хиссадорлик жамиятининг нуфузли масалаларини ҳал этишга бағишланган йиғилишларда иштирок этишмайди.

Хиссадорлик жараёни ривожланган хорижий мамлакатларда, корхона ишчи-хизматчиларини адресли ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш мақсадида муомалага чиқараётган акцияларининг маълум қисмини ўз ходимлари

учун номли, манзилли кўринишда ташкил этилиши маълумдир. Номли акцияларнинг характерли томонлари шундаки, уларни бозорда иштирок этишига маълум тўсиқлар мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, бир инвестордан иккинчи инвесторга ўтиш даврида акциядаги номни ҳам ўзгартириш зарурдир. Молия йили охирида номли акция бўйича даромадни фақатгина акцияда исм-фамилияси акс эттирилган шахс ёки у ёзиб берган ишончномани кўрсатган субъект олиш имкониятига эга.

Бугунги иқтисодий тажриба ва амалиётда тақдим этилажак акциялар қимматли қогозларнинг бошқа турларига нисбатан устуворлиги билан ажралиб туради. Ушбу акциялар иккиламчи бозорнинг тўлақонли иштирокчилари ҳисобланади. Тақдим этилажак акцияларни ҳар қандай (қонун теграсида) юридик, жисмоний шахслар ва ҳукумат органлари сотиб олиш ва иккиламчи бозорда сотиш ҳуқуқига эгадирлар.

Молия бозорини ташкил этиш ва ривожлантиришда акцияларни муомалага чиқарувчи субъектлар - «эмитент» лар марказий ўринда туриши билан бирга, улар қимматли қогозлар бозорининг механизмини ҳаракатга келтиради. Бозор иқтисоди ривожланган мамлакатларда акцияларни муомалага чиқарувчи эмитентларни шартли равишда уч кўринишга гуруҳлаш мумкин.

Биринчи гуруҳга давлат корхоналари ва ташкилотлари киради. Ушбу гуруҳга эга бўлишнинг хусусиятли томони, акцияларнинг назорат пакетини давлат ўз ихтиёрида сақлаб қолиши билан ажралиб туради, қолган қисмига эса мулкчиликнинг турли шакллари эгаллик қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Тижорат асосида фаолият кўрсатаётган бошқа мулк шакллари ҳам молия бозорининг таркибий иштирокчилари ҳисобланиб, улар эмитентларнинг иккинчи гуруҳини ташкил этади. Мазкур гуруҳга қирувчи ҳужалик субъектлари ўз устав фондининг қийматидан келиб чиқиб, муомалага қимматли қогозлар чиқаради. Улар чиқарган қимматли қогозлар миллий молия бозорида ҳаракат қилиши билан бир қаторда минтақавий молия бозорида ва, айрим ҳолларда халқаро молия бозорларида ҳам иштирок этиш имкониятига эга.

Эмитентларнинг халқаро ташкилотлар ва молия институтлари кўриниши жаҳон молия бозорининг доимий иштирокчилари бўлиб, улар эмитентларнинг учинчи гуруҳини ташкил этади. Ушбу муассасалар узок муддатли ва кенг қамровли тадбирларни амалга ошириб боради. Бундай эмитентлар таркибига «Женерал Моторс», «Кока Кола», «Тойота», «Ниссан», «Форд», «ДЭУ» ва бошқа нуфузли хиссалорлик фирмаларини киритиш мумкин.

Молия бозорини бирламчи, яъни янги қимматли қоғозларни муомалага чиқариш билан боғлиқ тадбирлар ва иккиламчи, яъни муқаддам чиқарилган қимматли қоғозларни қайта сотиш муқаррарлигидан келиб чиқиб, улар бирламчи ва иккиламчи бозорларга бўлинади.

Бирламчи молия бозорини ташкил қилишдан асосий мақсад, ишлаб чиқариш ва у билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни инвестициялаш учун зарур бўлган қўшимча молия ресурсларини ташқаридан жалб қилишдир. Агар инвестор бирор-бир эмитентнинг иктисодий барқарорлигини ҳолисона баҳолай олса, у ана шу эмитентнинг қимматли қоғозларини тезда харид қилиб олади. Қимматли қоғоз эмитентдан инвестор ихтиёрига қонуний ўтган вақти бирламчи молия бозори шаклланди дейишга асос бўлади. Бу, ўз ўрнида, эмитент учун қўшимча молия ресурсларини нафақат ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, балки ранг-баранг мақсадлар, жумладан, илмий изланиш ва ихтиролар, янги ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ва мавжудларини қайта таъмирлаш имконини беради.

Иккиламчи молия бозори икки ёқлама молиявий манфаат кутиш мақсадида ташкил қилинади. Биринчиси, инвестицион жараён учун қўшимча молия ресурслари жалб қилиш учун бўлса, иккинчиси, қимматли қоғозларнинг бозор нархи кўтарилганда, молия бозоридан инвестицион самара олиш мақсадида ихтиёридаги қимматли қоғозларни фонд биржасида сотади.

Қимматли қоғозлар бозорининг ҳудудлараро ҳаракати шартли равишда учга бўлинади: Миллий, Минтақавий ва Халқаро қимматли қоғозлар бозори.

Миллий молия бозори бирон-бир мамлакат ҳудудидаги фонд биржалари ва уларнинг фаолиятини ўз таркибига

олади. Бунга Ўзбекистоннинг миллий молия бозорини мисол сифатида келтириш мумкин.

Минтақавий молия бозорида ҳудудий, савдо-иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан ўзаро яқин муносабатда бўлган бир нечта мамлакатларнинг ички бозори тушунилади. Бугунги кунда Европа ҳамжамияти дунёдаги йирик минтақавий молия бозорлари таркибига киради.

Халқаро молия бозори сифатида жаҳон миқёсида фаолият олиб бораётган алоҳида мамлакатларнинг ички бозорини кўрсатиш мумкин. Жумладан, халқаро молия бозорида фаолият курсатаётган давлатлар таркибига АКШ, Япония, Гонг-Кон, Буюк Британияни киритиш мумкин.

Мулк шаклидан қатъиназар, эмитент томонидан муомалага чиқарилган акцияларнинг оддий ва имтиёзли бўлишлиги юқорида зикр этилди. Улар ўртасидаги айрим тафовутлар ҳақида фикр билдирилди. Аммо, шунга қарамасдан улар ўртасида яна бир нечта тафовутлар ва уйғунликлар мавжуд бўлиб, улар устида алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқдир:

- иккала турдаги акциялар қатъий белгиланган муддатга муомалага чиқарилмайди ва муддати чексиз бўлади
- иккала қимматли қоғозга ҳам молиявий натижадан «дивиденд» тўланади

- агарда, акциядор ихтиёридаги акциялардан воз кечмоқчи бўлса, у ё фонд биржасидан фойдаланиши зарур ёки ҳиссадорлик жамиятини бартараф этиш чоғида, яъни корхонани аукционда сотган пайтда акцияга инвестициялаган сумманинг маълум миқдорини қайтариб олиши мумкин.

Қарзли қимматли қоғозлар тури ҳиссали қоғозларга нисбатан кўп бўлиб, муомалага чиқарувчи эмитентлар ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир. Қарзли қимматли қоғозлар молия бозоридаги ҳаракатига кўра бир нечта белгилари билан ажралиб туради. 4-схема кўринишида уни қуйидагича акс эттириш мумкин.

Хар қандай мамлакатда ҳам Молия вазирлигининг асосий вазифалари ва функциялари муайян қонунлар, қоидалар ва фармонлар билан белгилаб қўйилган. Аммо айрим ҳолларда бевосита Молия вазирлиги таркибида

булган давлат бюджети даромад ва харажатида қисман номутаносиб кўрсаткичлар ҳам пайдо бўлиб туради. Кўрсаткич ижобий бўлса, вазирликнинг юмуши анча енгиллашади ва қўшимча ижтимоий - иқтисодий тадбирлар амалга ошириш учун талай имкониятлар туғилади. Салбий кўрсаткичлар шаклланган пайтда қўшимча муаммолар, яъни бюджет камомати вужудга келади. Бюджет камоматини қоплаш манбалари турлича ва ранг-баранг (пул эмиссия қилиш, банклардан кредит олиш, давлат мулкни сотиш, муомалага қимматли қоғозлар чиқариш ва бошқалар) кўринишда бўлади. Давлат сиёсий ва иқтисодий тузумидан келиб чиқиб, ушбу молия манбаларидан бюджет камоматини бартараф этишда фойдаланади. Энг аъъанавий, ва жамиятда ларзасиз иқтисодий таъсир кўрсатаётган манба - бу муомалага давлат қимматли қоғозларини чиқаришдир.

4-схема



Хукуматнинг ваколатли органи ҳисобланган Молия вазирлиги бюджет камомadini қоплаш мақсадида, муомалага ҳукумат номидан Ғазна мажбуриятларини чиқаради. Ғазна мажбуриятлари турли муддатларга чиқарилади. Жумладан:

- қисқа муддатли - бир йилга қадар;
- ўрта муддатли - бир йилдан беш йилга қадар;
- узок муддатли - беш йил ва ундан ортиқ муддатга

мўлжалланган.

Марказий банк ва бир қатор тижорат банклари қарзли қимматбаҳо қоғозларнинг классик турларидан депозитли сертификатлар ва облигациялар, шунингдек, векселларни муомалага чиқаради.

Депозитли сертификат - бу банкда пул маблағларини омонат қилганлиги ҳақидаги эмитент гувоҳномаси бўлиб, унга эгаллик қилган шахс ёки унинг ворисдори, белгиланган муддат тугагандан кейин омонат суммаси ва унга ҳисобланган фоизни олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг салмоғини камайтириш, ҳўжалик субъекти маблағларининг айланишини тезлаштириш тармоқлар иқтисодининг долзарб масаласидир. Бозор муносабатларини ривожлантириб боришда ҳисоб-китоб ва кредитлаштиришнинг асосий воситаларидан бири «Вексел»¹ ҳисобланади.

Векселдан ҳўжалик субъектлари ўртасидаги ҳисоб-китоб ишларини жадаллаштириш, товар кредитларини тўлаш, банк кредити ва заёмларини олиш учун гаров сифатида ҳамда бошқа қарз мажбуриятларини тўлашда фойдаланилади. Вексел олган шахс шартномада белгиланган муддат тугаши билан қарздор шахсдан векселда кўрсатилган пул маблағининг суммасини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эгадир. Векселлар молия бозоридаги ҳаракатига қараб оддий (қарздор томонидан ўтказиладиган) ва ўтказма (қарз

¹ Тижорат банклари ва корхоналари муомалага чиқарган векселлари мамлакатимиз тармоқлар иқтисодида 1995-1997 йилларда муомалада бўлди.

берувчининг қарзини қачон ва кимга қайтарилиши ҳақида ёзма буйруги) шаклларига бўлинади.

Оддий вексел қарздор томонидан ёзиб, тўлдирилиб борилади. Бу жараёнда илк бор икки моддий манфаатдор томонлар катнашиб, вексел берувчи белгиланган муддатда векселда кўрсатилган суммани тўлаш мажбуриятини олади. Ўтказма векселдан халқаро ташқи савдо фаолиятида кенг фойдаланилади. Ўтказма вексел соҳиби трассант, вексел буйича қарздор трассот деб юритилади.

Ҳар қандай ўтказма вексел бир субъектдан иккинчи бир тадбиркорга ўтказилиши мумкин. Бунинг учун векселнинг орқа томонига ёки унинг қўшимча вароғида махсус ёзув - индоссамент акс этирилади. Индоссамент векселдаги барча ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказди. Унинг бундай қўлланиши муомаладаги ҳаракат чегарасини кенгайтиради ва дебиторлик қарзларини камайтириб молиявий ресурсларни доиравий айланишини тезлаштиради.

Қарзли қимматбаҳо қоғозларнинг энг кўп тарқалган ва оммавий тус олган шаклларида бири - бу облигациялардир. Облигацияларни эмиссия қилувчи ҳужалик субъектларнинг таркиби жуда кўп бўлиб, тижорат асосида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг қарийб барчасини санаш мумкин. Облигациялар маълум муддатларга чиқарилиб, номинал баҳога ва қатъий белгиланган фоиз тўловига асосланган бўлади. Иқтисодий тажрибаларга таянган ҳолда облигацияларнинг оддий, ютуқли, фоизли ва фоизсиз (мақсадли), эркин муомалада ёки чекланган муомалада бўлишлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Облигацияларнинг оддий акциялар билан уйғунлиги бўлмасдан, фақат тафовутлари мавжуд, аммо имтиёзли акцияларга нисбатан тафовути ҳам, уйғунлиги ҳам мавжуд. Уйғунлиги шундан иборатки, иккала қимматли қоғоздан ҳам қатъий белгиланган инвестицион самара олиш мумкин. Тафовути - имтиёзли акциялар чекланмаган муддатда муомалада бўлса, облигацияларнинг муомала муддати чекланган бўлади.

Халқ ҳужалиги режали иқтисод ёрдамида бошқарилган даврда облигациянинг ютуқли кўриниши кенг тарқалган эди. Йирикларидан бири - 1982 йил муомалага чиқарилган

булиб, у 20 йил муддатга чиқарилган эди. Ютук суммаси муомаладаги облигация қийматининг 3% микдорида бўлиб, ана шу сумма турли хил микдорда, яъни 100 рублдан 10000 рублгача бўлиб, ютук эгалари ўртасида тақсимланарди.

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодини танлаганидан сўнг, асосий мақсад қилиб бозор муносабатларининг таркибий қисми бўлган молия бозорини ривожлантиришга диққат эътиборини қаратди. Мамлакатимизда Мустақил Хамдўстлик Давлатлари ичида, биринчилар қатори, «Қимматли қогозлар ва фонд биржаси» ҳақидаги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун 1994 йил 1 январдан бошлаб қонуний кучга кирди. Кейинги пайтларда давр талабидан келиб чиқиб, у ёки бу кўринишдаги ўзгаришлар билан бойитиб турилди.

Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги молиявий бозорда қимматли қогозларнинг қуйидаги турлари эмиссия қилинади ва ҳаракатда бўлади:

- акциялар;
- облигациялар;
- қисқа муддатли газна мажбуриятлари;
- депозитли сертификатлар;
- векселлар.

Акция, облигация ва қисқа муддатли газначилик мажбуриятларининг микдори, таркиби ва муомалага чиқариш қоидаларини Молия вазирлиги тартибга солиб туради. Марказий банк депозитли сертификат ва векселларнинг микдори ва муомалага чиқариш тартибини мувофиқлаштириб боради.

Эмитентлар қимматли қогозларни мустақил равишда сотиши мумкин ёки комиссия тўловлар шартига биноан тижорат банклари, инвестицион компаниялар ва молия брокерлари орқали тарқатиш имкониятига эга бўлади. Қимматли қогозлар бозорининг катнашчилари - қимматли қогозларни эмиссия қилувчилар, инвесторлар ва инвестицион институтлар ҳисобланади.

Эмитент - бу юридик шахс ёки давлат органи бўлиб, қимматли қогозни муомалага чиқариш билан бирга, инвесторлар олдида қонуний мажбуриятларни ҳам олади.

Инвесторлар - бу жисмоний ва юридик шахслар бўлиб,

Ўз ихтиёридаги маблағлар ҳисобига ва ўз номидан муомаладаги қимматли қоғозларни харид қилиб олади.

Республикамизда қимматли қоғозлар бозорини тезкорлик билан ривожлантириш ва пировардида, инвесторларнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш мақсадида ушбу объектда ҳукумат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашлар амалга оширилди.

Молиявий бозор орқали қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш натижасида қуйидаги умумустуворликка, нафақат тармоқлар иқтисодидаги ҳўжалик субъектлари эришади, балки ҳар бир инвестор ва эмитентлар ҳам қулай имкониятга эга бўлади:

- пул маблағларининг доиравий айланиши тезлашади ва пировардида унинг кадрсизланиш жараёни сскинлашади;

- инвесторларни, яъни қимматли қоғозлар соҳибларини даромад олишга ва уларни янги мулкдорларга айланишига қулай шарт-шароит яратилади;

- фуқаролар ва ҳўжалик субъектларининг вақтинчалик бўш молиявий маблағларидан самарали фойдаланишига эришилади;

- тармоқлар иқтисодида пул маблағларига эҳтиёжманд соҳаларни молиявий ресурслар билан таъминлашга эришилади;

- муомаладаги пул маблағларини қайта сармоялаш учун улардан самарали фойдаланишга имконият тугилади.

Юқорида зикр этилган устуворликлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, қимматли қоғозларга бўлган эҳтиёж нафақат корхона, ташкилот ва муассасалар, балки фуқаролар ўртасида ҳам қизиқиш уйғотади. Шунинг учун ҳам узлуксиз қимматли қоғозлар бозорининг мамлакат иқтисодида муҳим ўрин тутиши ҳамда етакчи ўрин эгаллашини доимо баён этиб бориш ўта фойдалидир. Республикамиз фуқароларини қимматли қоғозларни кўпроқ сотиб олишга ва бирламчи ҳамда иккиламчи молиявий бозорга қизиқтириш борасида Президентимиз И.Каримовнинг қуйидаги фикрлари жуда ўринлидир: “Муҳими, улар шунчаки акцияларнинг эгаси бўлганлиги учунгина эмас, балки мол-мулк бир қисмининг реал мулкдорлари ҳисобланганликлари ҳамда мулкдорлар сифа-

тида корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятига таъсир кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлганликлари учун ҳам акциядорлар деб аталиши даркор. Одамлар қимматли қоғозларни сотиб олишга қодир бўлгандагина мулкдорлар синфи амалда вужудга келади”¹.

Бугунги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шарқий Европа мамлакатларида тўлақонли қимматли қоғозлар бозорини яратишга доир амалдаги ишлар турли хил жараёнлар орқали кечмоқда. Агар Ғарбий Европа, АКШ, ва Шарқий Осиё мамлакатларида ушбу жараён аста-секин эволюцион йўл билан кечиб бир неча ун йилликлар давом этган бўлса, ислохотларни бошидан кечириётган - иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтиш жараёнида бўлган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозорини ташкил этиш ва ривожлантириш энди қизгин амалга оширилмоқда. Бу ҳолат ўз ўрнида ҳар хил муаммолар, тушунмовчиликлар ва тўсиқларни келтириб чиқармоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан фарқли ўларок, Республикамизда қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилиш ва ривожлантириш тадбирлари бозор иқтисодиётига ўтишда танлаб олинган, яъни давлат бош ислохотчи ва бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш бош масала тамойилларига тўла-тўқис жавоб беради. Ана шунинг учун ҳам ҳозирги кунда мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва такомиллаштириш борасидаги тадбирлар ўзига хос ижобий иқтисодий самаралар бермоқда дейишга асос мавжуд.

Чунки, 1995-1998 йилларда қимматли қоғозлар бозоридан даромад олган инвесторлар, эмитентлар қимматли қоғозлар операцияларидан олган даромадлари бўйича солиқ тўлашдан бутунлай озод қилинди. Кейинги пайтларда қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш ишлари бир мунча содалаштирилди. Ҳозирги кунда қимматли қоғозларнинг олди-сотди операцияларини амалга оширувчи техника ва коммуникация бўйича жаҳон талабларига бирмунча мос келадиган Тошкент Республика фонд биржаси ва унинг жойлардаги шохобчалари актив фаолият кўрсатмоқда.

¹ И. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998 йил. 200-бет.

Молия назариясига тегишли тест саволлари

Молиявий бошқарувнинг субъектини кўрсатинг.

- * Хўжалик субъектларининг раҳбарлари
- * Хар хил кўринишдаги молиявий муносабатлар
- * Молия вазирлиги ва унинг қуйи бўғинлари
- * Даромадлар ва тушумларнинг шаклланиши

Молиявий бошқарувнинг объектини кўрсатинг.

- * Иқтисодий самара: фойда, даромад, миллий даромад
- * Молиявий муносабатлар
- * Иқтисодий муносабатлар
- * Мулкый муносабатлар

Молиянинг функцияларини кўрсатинг.

- * Тақсимлаш ва қайта тақсимлаш
- * Тақсимлаш ва режаллик
- * Тақсимлаш ва иқтисодий рағбатлантириш
- * Тақсимлаш ва назорат

Молиянинг характерли белгиларини кўрсатинг.

- * Тақсимлаш, фондлик ва пуллик
- * Тақсимлаш, рағбатлантириш ва тартибга солиш
- * Рағбатлантириш, фондлик ва пуллик
- * Фондлик, тартибга солиш ва тақсимлаш

Молиянинг пайдо бўлишига таъсир этган асосий омилни танланг.

- * Жамиятнинг пайдо бўлиши
- * Давлатнинг вужудга келиши
- * Корхоналарнинг пайдо бўлиши
- * Армиянинг вужудга келиши

Асосий воситаларнинг яшгиланиш манбасини кўрсатинг.

- * Давлат бюджети
- * Тижорат банкларининг кредитлари
- * Амортизация ажратмалари
- * Корхона фойласи

Қандай фонд марказланган фонд ҳисобланади?

- * Амортизация фонди
- * Иш хақи фонди
- * Бандик фонди
- * Рағбатлантириш фонди

Қандай фонд марказланмаган фонд ҳисобланади?

- * Давлат бюджети
- * Пенсия фонди

- * Бандлик фонди
- * Стипендия фонди

Давлат бюджетининг камомали қандай кўсаткичга нисбатан аниқланади?

- * Бюджет харажатларига нисбатан
- * Миллий даромадга нисбатан
- * Ялпи ички маҳсулотга нисбатан
- * Бюджет даромадларига нисбатан

Бюджет камомали қандай манбалардан қопланиши режалаштирилган? Нотўғрисини кўрсатинг.

- * Марказий банк кредити
- * Ҳукумат қимматли қогози
- * Пул эмиссияси
- * Давлат мулкини хусусийлаштириш

Тижорат корхоналарининг молия режасини кўрсатинг:

- * Йиғма молия режаси
- * Даромад ва харажат баланси
- * Смета харажатлари
- * Бизнес режа

Молия тизимининг соҳаларидан нотўғрисини кўрсатинг:

- * Молия вазирлиги молияси.
- * Ҳўжалик субъектлари молияси
- * Сугурта органлари молияси
- * Умумдавлат молияси.

Молиянинг умумий бошқарув субъектларига қандай орган қиради?

- * Молия вазирлиги
- * Давлат солиқ қўмитаси
- * Корхона молия булими менежери
- * Олий Мажлис

Молиянинг оператив бошқарув органига қандай орган қиради?

- * Олий Мажлис
- * Президент девони
- * Вазирлар Маҳкамаси
- * Молия вазирлиги

Молиявий сиёсатнинг таркибий қисмларини кўрсатинг.

- * Молиявий стратегия ва тактика
- * Молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш
- * Молиявий стратегия ва режалаштириш
- * Молиявий тактика ва прогнозлаштириш

Қандай ҳолатларда молиявий муносабат вужудга келади?

- * Томонларнинг иккиси ҳам юрилик шахс бўлганда
- * Томонларнинг бири жисмоний, бири юрилик шахс бўлганда
- * Томонларнинг бири давлат, бири юрилик шахс бўлганда
- * Томонларнинг бири қўшма, бири хусусий корхона бўлганда

Даромад, миллий даромадни тақсимловчи субъектларни нотўғриси қўрсатинг.

- * Давлат
- * Хужалик субъекти
- * Жисмоний шахслар
- * Хайрия фонллари

Ўзбекистонда солиқ кодекси қачон қабул қилинган?

- * 1992 йил, апрель
- * 1994 йил, май
- * 1997 йил, апрель
- * 1998 йил, январь

Сўғурта тармоғини қўрсатинг.

- * Асосий воситалар сўғуртаси
- * Шахсий сўғурта
- * Ҳаётнинг сўғуртаси
- * Қурилиш сўғуртаси

Бюджет камомати нима?

- * Даромадларнинг харажатга нисбатан қўплиги
- * Харажатларнинг даромадларга нисбатан қўплиги
- * Даромадлар ва харажатлар тенгсизлиги
- * Тўғри жавоб йўқ

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг камомати 2000 йилда неча фоизда белгиланган?

- * Бюджет даромадига нисбатан 2.7%
- * Бюджет харажатига нисбатан 2.7%
- * Яши ички маҳсулотга нисбатан 2.7%
- * Яши ижтимоий маҳсулотга нисбатан 2.7%

Фойдаланилган адабиётлар

1. И. Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари». Тошкент, «Ўзбекистон», 1998.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Тошкент «Ўзбекистон», 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонун. Солиқлар ва божхона хабарлари, 39-сон, 1997.
4. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2000 йилга бағишланган асосий макроиктисодий кўрсаткичлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 554-қарори. 31 декабрь, 1999.
5. В. М. Радионова «Финансы», Москва, «Финансы и статистика». М., 1993.
6. А. М. Ковалёва «Финансы», Москва, «Финансы и статистика». М., 1997.
7. А. Ўлмасов, М. Шарифхўжасв «Иктисодиёт назарияси» Т., «Меҳнат» - 1995.
8. Б. М. Сабанти «Теория финансов», Москва, «Финансы и статистика» М., 1998.
9. Ҳуқуқий маърифат. Ахборотнома. Тошкент, 1998.
10. «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» ги Вазирлар Маҳкамасининг 414-сонли қарори, 3 сентябрь 1999. «Халқ сўзи», 24 сентябрь 1999.

Мундарижа

Кириш.....	3
Молиянинг иқтисодий моҳияти ва функциялари.....	5
Молиянинг иқтисодий моҳияти.....	5
Молиянинг функциялари.....	12
Молия сиёсати.....	20
Молия сиёсатининг мазмуни ва моҳияти.....	20
Молиявий сиёсатни таъбиқ этишда молия механизмнинг ўрни.....	24
Молияни бошқариш.....	24
Молияни бошқариш ҳақида умумий тушунча.....	31
Бозор иқтисодига ўтиш шароитида молиявий режалаштиришдаги ўзгаришлар.....	35
Молиявий назорат.....	40
Молиявий назоратнинг таркиби ва аҳамияти.....	40
Молиявий назоратни ташкил этиш, уни таъсирини ошириш йўллари.....	42
Аудиторлик назоратини вужудга келиши ва ривожлантириш йўллари.....	51
Молиявий ресурсларни жалб қилиш ва тақсимлашда молия бозорининг тутган ўрни.....	54
Молия назариясига тегишли тест саволлари.....	67
Фойдаланилган адабиётлар.....	70

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси

Низомиддин Ҳайдаров

МОЛИЯ

(I қисм)

“Академия” нашриёти
Тошкент - 2001

Мухаррир Т.Соатова
Рассом Р.Султонов
Мусаххих Г.Абдуллаева
Техник муҳаррир И.Розиқова
Компьютерчи И.Розиқова, Д.Эгамбердиева

Теришга берилди 16.05.2000 йил. Босишга рухсат этилди
14.06.2000 йил. Бичими 84x108 1/32. Офсет босма. Шартли
босма табоғи 4.5. Нашриёт ҳисоб табоғи 4.5. Адади 2000.
Буюртма №108 . Баҳоси шартнома асосида.

“Akadem-Xizmat” босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шох кўчаси, 45.